УзССР Давлат матбуот комитети
Нашр
Китобхонлар палатасига УзССР
25 ДЕК 1991

Халқ дениздир, халқ тўлқиндир, халқ кучдир!

ХАЛҚ СЎЗИ

خلق سوزی

ҲИЖРИЙ: ҚАМАРИЙ, 1412 ЙИЛ, ЖУМОД АЛ-ОХИРА, 17-КУН
ШАМСИЙ, 1370 ЙИЛ, ЖАДИЙ, 6-КУН.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ РЎЗНОМАСИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган. 1991 йил 24 декабрь, сешанба, 246-сон

НАРХИ ОБУНАЧИГА 7 ТИЙИН. СОТУВДА 10 ТИЙИН.

ИТТИФОҚ ТУГАДИ, ҲАМДЎСТЛИК ТУҒИЛДИ



Ўн бир республика раҳбарларининг Олмаотадаги учрашувидан лавҳалар.
«Халқ сўзи» махсус мухбири А. ЗУФАРОВ олган суратлар.

ОЛМАОТА ДЕКЛАРАЦИЯСИ

Мустақил давлатлар.

— Озарбайжон Республикаси, Арманистон Республикаси, Беларусь Республикаси, Қозоғистон, Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Молдова Республикаси, Россия Федерацияси (РСФСР), Тожикистон Республикаси, Туркманистон, Ўзбекистон Республикаси ва Украина,

демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш, улар ўртасидаги муносабатлар давлат суверенитетини ва суверен тенгликни, ўз тақдирини ўзи белгилашдан иборат дахлсиз ҳуқуқни ўзаро тан олиш ва ҳурмат қилиш, ҳуқуқий тенглик ва ички ишларга аралашмаслик қоидалари, куч ишлатишдан ва куч ишлатиш билан дўқ қилишдан, иқтисодий ва бошқа ҳар қандай тазйиқ усулларидан воз кечиш, низоларни тинч бартараф этиш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини, шу жумладан оз сонли миллатларнинг ҳуқуқларини ҳурмат қилиш, мажбуриятларни ҳамда ҳамма эътироф қилган халқаро ҳуқуқ қоидалари ва меъёрларини ҳалол бажариш асосида ривожланишини йўлга қўйишга интилиб;

бир-бирининг ҳудудий яхлитлигини ҳамда мавжуд чегаралар бузилмаслигини тан олиб ва ҳурмат қилиб;

чуқур тарихий илдизларга эга бўлган дўстлик, яхши қўшничилик ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик муносабатларини мустаҳкамлаш халқларнинг туб манфаатларига мос бўлиб тушади ҳамда тинчлик ва ҳавфсизлик ишига хизмат қилади, деб ҳисоблаб;

фуқаролар тинчлигини ва миллатлараро тотувликни сақлаб қолиш учун ўз масъулиятларини англаб;

Мустақил давлатлар ҳамдўстлигини тузиш тўғрисидаги Битимнинг мақсадлари ва қоидаларига содиқ қолиб,

қуйидагиларни билдирадилар:

Ҳамдўстлик қатнашчиларининг ўзаро алоқалари тенглик асосида тузиладиган ҳамда ҳамдўстлик қатнашчилари ўртасидаги битимларда белгиланадиган мувофиқлаштирувчи муассасалар орқали тенг ҳуқуқлилик қоидаси асосида амалга оширилади, мазкур ҳамдўстлик давлат ҳам эмас, давлатлар устидан турадиган тузилма ҳам эмас.

Халқаро стратегик барқарорликни ва ҳавфсизликни таъминлаш мақсадида ҳарбий стратегик кучларнинг бирлашган қўмондонлиги ва ядро қуроли устидан ягона назорат сақланиб қолади; томонлар бир-бирларининг ядросиз ва (ёки) бетараф давлат мақомига эришиш муддаосини ҳурмат қиладилар.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги қуйидаги барча қатнашчиларнинг розилиги билан собиқ ССР Иттифоқига аъзо бўлган давлатларнинг, шунингдек ҳамдўстлик мақсадлари ва қоидаларига шерик бўладиган бошқа давлатларнинг унга қўшилиши учун очиқдир.

Умумий иқтисодий маконни, Умумевропа ва Европа-Осиё бозорларини вужудга келтиришда ва ривожлантиришда ҳамкорлик қилишга содиқлик тасдиқланади.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги барпо этилиши билан Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ўз фаолиятини тўхтатади.

Ҳамдўстликда қатнашувчи давлатлар ўз конституцияларидаги тартиб-қоидаларга биноан собиқ ССР Иттифоқининг шартномалари ва битимларидан келиб чиқадиган халқаро мажбуриятларнинг бажарилишига кафолат берадилар.

Ҳамдўстликда қатнашувчи давлатлар ушбу Декларация қоидаларига оғишмай риоя этиш мажбуриятини оладилар.

Озарбайжон Республикаси номидан
А. МУТАЛИБОВ

Арманистон Республикаси номидан
Л. ТЕР-ПЕТРОСЯН

Беларусь Республикаси номидан
С. ШУШКЕВИЧ

Қозоғистон Республикаси номидан
Н. НАЗАРБОЕВ

Қирғизистон Республикаси номидан
А. АКАЕВ

Молдова Республикаси номидан
М. СНЕГУР

Россия Федерацияси (РСФСР) номидан
Б. ЕЛЬЦИН

Тожикистон Республикаси номидан
Р. НАБИЕВ

Туркманистон номидан
С. НИЕЗОВ

Ўзбекистон Республикаси номидан
И. КАРИМОВ

Украина номидан
Л. КРАВЧУК

Олмаота, 1991 йил 21 декабрь.

ХАБАРИНГИЗ БОРМИ ?

● Россия Президенти Борис Ельцин Москвага қайтиб келгач, аэропортда журналистларга шундай деди: «Ҳар бир давлатнинг марказсиз, унинг тазйиқсиз мустақиллиги Олмаотада бўлиб ўтган республикалар раҳбарлари учрашувининг энг асосий якунидир. Шундай экан, ҳар бир давлат ўзининг иқтисодий сиёсатини юритади. Ҳамдўстликка кирган жамики республикаларда сўм умумий пул бирлиги бўлиб қолади.

● **30 декабрда Минскда Мустақил давлатлар ҳамдўстлигининг мувофиқлаштирувчи муассасаларини барпо этишга доир масалаларни муҳокама қилиш мўлжалланмоқда. Тузиладиган муассасалар амалга оширилаётган ислоҳотларнинг босқичлари, муддатлари, суръатларини аниқлаб оладилар.**

● Эндиликда СССР Касаба уюшмалари умумий конфедерацияси Касаба уюшмалари халқаро маркази деб аталади. Москвада бўлиб ўтган мазкур ташкилот кенгаши пленумида ана шундай қарор қилинди. Касаба уюшмалари халқаро маркази бундан буён собиқ совет республикалари касаба уюшмалари саъй-ҳаракатларини мувофиқлаштириб боради.

● **Шанба куни Озарбайжон орқали Арманистонга ўтадиган газ қувури бир ярим ойдан кейин яна очилди. Бироқ республикага зангори ёнилғи ҳамон келаётгани йўқ. Сабаби — газ ҳосил қилиш Туркманистонда кескин даражада камайиб кетди. Шунинг натижасида собиқ иттифоқнинг газ таъминоти умумий тизимига ёнилғининг келиб тушиш даражаси жуда паст.**

● Янги Йилнинг биринчи ҳафтаси Арманистонда тўлиқ байрам бўлади. 31 декабрь — 6 январь кунлари ҳеч ким ишга чиқмайди. Республика ҳукумати ана шунга қарор қилди.

● **«Правда» газетаси кечадан эътиборан Ҳамдўстлик нашри сифатида чиқа бошлади.**

МОСКВА. Собиқ «Панорама» нашриётининг ходимлари РСФСР Матбуот ва ахборот вазирлигига қарши норозилик билдириб, митинг ўтказдилар. Мазкур корхона зўрлик билан ёпиб қўйилганидан кейин кўплаб муҳаррирлар, мусаввирлар ишсиз қолишди. Улар бундай қарор қонунга зид, иқтисодий жиҳатдан асоссиз, маданият ва нашриётчиликка катта зарба деб ҳисоблашмоқда.

СУРАТДА: «Панорама» нашриёти ходимлари норозилик митинги пайтида.

О. ВЛАСОВ олган сурат.

● Чеченлар раҳбари Жоҳар Дудаев ўзи чиқарган фармонни бажара бориб, биринчи бўлиб тўппончасини рўйхатдан ўтказди. Ички ишлар вазирлиги бу қуролни сақлаш ва олиб юриш учун унга руҳсатнома берди. Бутун аҳоли (жумладан, миллий гвардиячилар ҳам) 29 декабрга қадар ўзига қарашли қуролни рўйхатдан ўтказишга мажбур. Жоҳар Дудаев ҳуқуқни муҳофаза қилувчи барча идоралар — Ички ишлар вазирлиги, прокуратура, суд ва Адлия вазирлиги устидан умумий раҳбарликни ўз зиммасига олди.

● **Оммавий ахборот воситаларида хабар қилинишича, Ижтимоий-сиёсий тадқиқотлар жамғармаси негизида М. С. Горбачев жамғармасини тузиш кўзда тутилмоқда. Худди шундай жамғармалар М. Тэтчер ҳамда Ғарб мамлакатларининг катта сиёсат майдонини тарк этган бошқа таниқли арбоблари томонидан ташкил этилган. Пойтахтдаги Ленинград шоҳкўчасида қад кўтарган бинолардан бирида Горбачев ҳамда унинг ҳозирги маҳкамасидаги бир қатор ходимлар учун хоналар тайёрланаяпти.**

● Эрон Ислом Республикасидаги совет элчихонаси биноси тепасида Россиянинг уч рангли байроғи ҳилпирай бошлади. Бундан СССРнинг собиқ ваколатхонаси расман Россия Федерацияси элчихонасига айлантирилганини тушуниб олиш қийин эмас.

● **Ҳиндистон ҳукумати собиқ СССР билан бўлган муносабатни бу ерда «янги конституциявий тузилмалар» вужудга келиши сабабли қайта қўриб чиқишни кўзламоқда. Мамлакат ташқи ишлар вазири Мадхаусинх Соланки «Индиан экспресс» рўзномасида эълон қилинган мусоҳабасида шу ҳақда баёнот берди. Биз, деб айтди ташқи сиёсий маҳкама бошлиғи, бу йўналишда ҳозиргача баъзи муҳим ишларни қилишга улгурдик: Россия, Украина, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон президентларига Ҳиндистонга ташриф буюришни таклиф этдик.**

● «Вельт ан зонтаг» ҳафтаномасининг хабар беришига қараганда, ГФР ҳукумати собиқ ГДРнинг собиқ раҳбари Эрих Хонеккер Германия одил судлови қўлига топширилишига уринишини ҳамон тўхтатгани йўқ. Маълумки, Эрих Хонеккер ҳозирги пайтда Чилининг Москвадаги элчиси қароргоҳида яшаб турибди.

● **Шанба куни АҚШ Президенти Жорж Буш ўз одатидан бошқачароқ иш тутди: Кэмп-Дэвиддаги қароргоҳида дам олмади, балки ярим тунга қадар Оқ уйда ишлаб ўтирди.**

(ТАСС ва марказий рўзномаларнинг материаллари асосида тайёрланди).

МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЛАР ҲАМДЎСТЛИГИ ДАВЛАТ БОШЛИҚЛАРИ КЕНГАШИНИНГ

ҚАРОРИ

Ҳамдўстликка аъзо бўлган давлатлар мустақил давлатлар ҳамдўстлигини барпо этиш тўғрисидаги Битимнинг 12-моддасига биноан,

ҳар бир давлатнинг БМТ Устави юзасидан мажбуриятларни бажариш ва шу ташкилот ишида тўла ҳуқуқий аъзолар сифатида қатнашиш ниятига асосланиб,

беларусь Республикаси, СССР ва Украина БМТнинг дастлабки аъзолари эканликларини эътиборга олиб,

Беларусь Республикаси билан Украина БМТда суверен мустақил давлатлар сифатида қатнашиб келаётганликларидан мамнуният изҳор этиб,

ўз халқларининг ва бутун халқаро ҳамжамиятнинг манфаатлари йўлида БМТ Устави асосида халқаро тинчлик ва ҳавфсизликни мустаҳкамлашга кўмаклашишга азму қарор бериб,

қарор қилдилар:

1. Ҳамдўстлик давлатлари Россиянинг БМТдаги СССР аъзолигини, шу жумладан Ҳавфсизлик Кенгашидаги ва бошқа халқаро ташкилотлардаги доимий аъзолигини давом эттириши учун уни қўллаб-қувватлайдилар.

2. Беларусь Республикаси, РСФСР, Украина ҳамдўстликдаги бошқа давлатларнинг БМТдаги ва бошқа халқаро ташкилотлардаги тўла ҳуқуқли аъзолиги масалаларини ҳал этишда кўмаклашадилар.

Олмаота шаҳрида 1991 йил 21 декабрь куни озарбайжон, армани, беларусь, қозоқ, қирғиз, молдован, рус, тожик, туркман, ўзбек ва украин тилларида бир нусҳада тузилди. Барча матнлар баб-баравар кучга эгадир. Асл нусҳа Беларусь Республикаси ҳуқуматининг ҳужжатхонасида сақланади. Беларусь Республикасининг ҳукумати ушбу протоколнинг тасдиқланган нусҳасини аҳдлашувчи олий томонларга юборади.

Озарбайжон Республикаси номидан
А. МУТАЛИБОВ

Арманистон Республикаси номидан
Л. ТЕР-ПЕТРОСЯН

Беларусь Республикаси номидан
С. ШУШКЕВИЧ

Қозоғистон Республикаси номидан
Н. НАЗАРБОЕВ

Қирғизистон Республикаси номидан
А. АКАЕВ

Молдова Республикаси номидан
М. СНЕГУР

Россия Федерацияси (РСФСР) номидан
Б. ЕЛЬЦИН

Тожикистон Республикаси номидан
Р. НАБИЕВ

Туркманистон номидан
С. НИЕЗОВ

Ўзбекистон Республикаси номидан
И. КАРИМОВ

Украина номидан
Л. КРАВЧУК.

Олмаота, 1991 йил 21 декабрь.

МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЛАР ҲАМДЎСТЛИГИНИНГ МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ МУАССАСАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

БИТИМ

1. Ҳамдўстлик давлатларининг умумий манфаатлар соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш учун ҳамдўстликнинг олий органи — «Давлат бошлиқлари Кенгаши», шунингдек «Ҳукумат бошлиқлари Кенгаши» тузилсин.

2. Ҳамдўстлик давлатларининг мухтор вакилларига собиқ ССР Иттифоқи тузилмаларини тугатиш тўғрисидаги, шунингдек ҳамдўстликнинг мувофиқлаштирувчи муассасалари ҳақидаги таклифларни 1991 йил 30 декабргача Давлат бошлиқлари Кенгашининг муҳокамасига тақдим этиш топширилсин.

Озарбайжон Республикаси номидан
А. МУТАЛИБОВ

Арманистон Республикаси номидан
Л. ТЕР-ПЕТРОСЯН

Беларусь Республикаси номидан
С. ШУШКЕВИЧ

Қозоғистон Республикаси номидан
Н. НАЗАРБОЕВ

Қирғизистон Республикаси номидан
А. АКАЕВ

Молдова Республикаси номидан
М. СНЕГУР

Россия Федерацияси (РСФСР) номидан
Б. ЕЛЬЦИН

Тожикистон Республикаси номидан
Р. НАБИЕВ

Туркманистон номидан
С. НИЕЗОВ.

Ўзбекистон Республикаси номидан
И. КАРИМОВ

Украина номидан
Л. КРАВЧУК.

Олмаота, 1991 йил 21 декабрь.

МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЛАР БОШЛИҚЛАРИ КЕНГАШИНИНГ

ПРОТОКОЛИ

Мустақил давлатларнинг ҳамдўстлигини тузиш тўғрисидаги битимда ва Олмаота декларациясида бирлашган қўмондонлик остидаги умумий ҳарбий-стратегик маконни сақлаб қолиш ва ядро қуролини ягона назорат қилиш тўғрисидаги қоидага асосланиб аҳдлашувчи олий томонлар қуйидагилар ҳақида келишиб олдилар:

Қуролли Кучларни ислоҳ қилиш тўғрисидаги масала ҳал этилгунича Қуролли Кучларга қўмондонлик қилиш маршал Е. И. Шапошниковга топширилсин.

Шу масала юзасидан таклифлар 1991 йил 30 декабргача давлатлар бошлиқларининг муҳокамасига ҳавола этилсин.

Озарбайжон Республикаси номидан
А. МУТАЛИБОВ

Арманистон Республикаси номидан
Л. ТЕР-ПЕТРОСЯН

Беларусь Республикаси номидан
С. ШУШКЕВИЧ

Қозоғистон Республикаси номидан
Н. НАЗАРБОЕВ

Қирғизистон Республикаси номидан
А. АКАЕВ

Молдова Республикаси номидан
М. СНЕГУР

Россия Федерацияси (РСФСР) номидан
Б. ЕЛЬЦИН

Тожикистон Республикаси номидан
Р. НАБИЕВ

Туркманистон номидан
С. НИЕЗОВ

Ўзбекистон Республикаси номидан
И. КАРИМОВ

Украина номидан
Л. КРАВЧУК.

Олмаота, 1991 йил 21 декабрь.

ЯДРО ҚУРОЛИ СОҲАСИДА БИРГАЛИКДА ҚУРИЛАДИГАН ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

БИТИМ

Беларусь Республикаси, Қозоғистон Республикаси, Россия Федерацияси (РСФСР) ва Украина (бундан кейин «қатнашчи давлатлар» деб юритилади),

ядро қуролини тарқатмасликка содиқ эканликларини тасдиқлаб,

барча ядро қуролларини тугатишга интилиб,

халқаро барқарорликни мустаҳкамлашга кўмаклашиш истаги билан қуйидагилар ҳақида келишиб олдилар:

1-МОДДА.

Бирлашган стратегик қуролли кучлар таркибига киручи ядро қуроллари мустақил давлатлар ҳамдўстлиги барча қатнашчиларининг коллектив ҳавфсизлигини таъминлайди.

2-МОДДА.

Ушбу Битимда қатнашувчи давлатлар ядро қуролини биринчи бўлиб ишлатмаслик тўғрисидаги мажбуриятни тасдиқлайдилар.

3-МОДДА.

Ушбу Битимда қатнашувчи давлатлар ядро қуроли масалаларига оид сиёсатни биргаликда ишлаб чиқадилар.

4-МОДДА.

Беларусь Республикаси ва Украина ҳудудларида ядро қуроли бутунлай тугатилмагунча уни ишлатиш зарурлиги тўғрисидаги қарор битимда қатнашувчи давлатларнинг бошлиқлари билан келишиб, РСФСР Президенти томонидан қатнашувчи давлатлар биргаликда ишлаб чиққан тартиб-қоидалар асосида қабул қилинади.

5-МОДДА.

1. Беларусь Республикаси, Украина ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги 1968 йил шартномасига ядросиз давлатлар тарзида қўшилиш ва кафолотлар тўғрисида МАГАТЭ билан тегишли битим тузиш мажбуриятини оладилар.

2. Ушбу битимда қатнашувчи давлатлар ядро қуролини ёки бошқа ядровий портловчи қурилмаларни ва технологияларни, шунингдек мазкур ядровий ва портловчи қурилмалар устидан назоратни на бевосита, на билвосита бирон-бир бошқа давлатга бермаслик; худди шунингдек ядро қуролига эга бўлмаган бирон-бир бошқа давлатга бошқа бирон-бир усулда ядро қуролини ёки ўзга ядровий портлаш қурилмаларини ишлаб чиқариш ёки қўлга киритишда, шунингдек мана шундай қурол ёки портловчи қурилмалар устидан назоратни қўлга киритишига ёрдам бермаслик, бунга рағбатлантирмаслик ва ундамаслик мажбуриятини оладилар.

3. Ушбу модда иккинчи бандининг қоидалари ядро қуролини Беларусь Республикаси, Қозоғистон Республикаси ва Украина ҳудудидан уни йўқ қилиш мақсадида РСФСР ҳудудига олиб боришга тўсқинлик қилмайди.

6-МОДДА.

Ушбу Битимда қатнашувчи давлатлар халқаро шартномага мувофиқ ядро қуролини тугатишга кўмаклашадилар. 1992 йил 1 июлигача Беларусь Республикаси, Қозоғистон Республикаси ва Украина тактик ядро қуролининг биргаликдаги назорат остидан қисмларга ажратиш учун заводлар ҳузуридаги марказий базаларга олиб кетилишини таъминлайдилар.

7-МОДДА.

Беларусь Республикаси, Қозоғистон Республикаси, Россия Федерацияси (РСФСР), Украина ҳукуматлари стратегик ҳужум қуролларига оид шартномани ўз давлатларининг Олий Кенгашлари тасдиғига тақдим этиш мажбуриятини оладилар.

8-МОДДА.

Ушбу Битим тасдиқланиши лозим. У барча тасдиқлаш ёрлиқлари сақлаш учун РСФСР ҳукуматига топширилгандан кейин ўттизинчи куни кучга киради.

Олмаота шаҳрида битта асл нусҳада беларусь, қозоқ, рус ва украин тилларида тузилди, барча матнлар баб-баравар кучга эгадир.

Беларусь Республикаси номидан
С. ШУШКЕВИЧ

Қозоғистон Республикаси номидан
Н. НАЗАРБОЕВ

Россия Федерацияси номидан
Б. ЕЛЬЦИН

Украина номидан
Л. КРАВЧУК.

НИҲОЯТ, ЭРКИНЛИККА!

И. Б. УСМОНХУЖАЕВ ВА Е. АЙТМУРОТОВ ҚАМОҚДАН ЧИҚАРИЛДИЛАР

«Пахта иши» деб аталган иш юзасидан қамоқ жазосига ҳукм этилган Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг собиқ биринчи котиби И. Б. Усмонхўжаев ва Марказий Комитетнинг собиқ котиби Е. Айтмуротов соғлиқлари кескин ёмонлашганлиги сабабли озодликдан маҳрум этиб сақланган аввалги жойларидан Ўзбекистонга олиб келинган, ахлоқ тузатиш меҳнат тизими муассасаларидан бирида даволанаётган эдилар.

Ўша муассаса маъмурияти шифокорларининг хулосаларига асосланиб, маҳбусларни касалликлари туфайли озодликка чиқариш тўғрисида илтимоснома тайёрлаб мазкур ҳужжатни одил судлов идораларига юборди.

Тошкент шаҳар Киров район халқ суди тақдим этилган ҳужжатларни қараб чиқди ва илтимосномани қондириш ҳақида қарор қабул қилди: И. Б. Усмонхўжаев билан Е. Айтмуротов бетобликлари сабабли қамоқдан озод этилдилар.

Эслатиб ўтамиз: И. Б. Усмонхўжаев 1988 йил 22 октябрда, Е. Айтмуротов 1987 йил 20 августда ҳибсга олинган эдилар.

МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЛАР ҲАМДЎСТЛИГИНИ ТУЗИШ ТЎҒРИСИДА 1991 ЙИЛ 8 ДЕКАБРЬ КУНИ МИНСК ШАҲРИ ДА БЕЛАРУСЬ РЕСПУБЛИКАСИ, РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ (РСФСР), УКРАИНА ТОМОНИДАН ИМЗОЛАНГАН БИТИМГА ДОИР

ПРОТОКОЛ

Озарбайжон Республикаси, Арманистон Республикаси, Беларусь Республикаси, Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Молдова Республикаси, Россия Федерацияси (РСФСР), Тожикистон Республикаси, Туркманистон, Ўзбекистон Республикаси ва Украина тенг ҳуқуқли асосларда ҳамда аҳдлашувчи олий томонлар сифатида мустақил давлатлар ҳамдўстлигини тузадилар.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлигини тузиш тўғрисидаги битим аҳдлашувчи олий томонлардан ҳар бири учун битим тасдиқланган пайтдан бошлаб кучга киради.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлигини тузиш тўғрисидаги битим асосида ва уни тасдиқлаш вақтида қўйилган қўшимча шартларни ҳисобга олиб, ҳамдўстлик доирасидаги ҳамкорликни тартибга солувчи ҳужжатлар ишлаб чиқилади.

Ушбу протокол мустақил давлатлар ҳамдўстлигини тузиш тўғрисидаги битимнинг таркибий қисмидир.

Олмаота шаҳрида 1991 йил 21 декабрь куни озарбайжон, армани, беларусь, қозоқ, қирғиз, молдован, рус, тожик, туркман, ўзбек ва украин тилларида бир нусхада тузилди. Барча матнлар баб-баравар кучга эгадир. Асл нусха Беларусь Республикаси ҳукуматининг ҳужжатхонасида сақланади, Беларусь Республикасининг ҳукумати ушбу протоколнинг тасдиқланган нусхасини аҳдлашувчи олий томонларга юборади.

Озарбайжон Республикаси номидан
А. МУТАЛИБОВ

Арманистон Республикаси номидан
Л. ТЕР-ПЕТРОСЯН

Беларусь Республикаси номидан
С. ШУШКЕВИЧ

Қозоғистон Республикаси номидан
Н. НАЗАРБОЕВ

Қирғизистон Республикаси номидан
А. АКАЕВ

Молдова Республикаси номидан
М. СНЕГУР

Россия Федерацияси (РСФСР) номидан
Б. ЕЛЬЦИН

Тожикистон Республикаси номидан
Р. НАБИЕВ

Туркманистон номидан
С. НИЕЗОВ

Ўзбекистон Республикаси номидан
И. КАРИМОВ

Украина номидан
Л. КРАВЧУК.

Олмаота, 1991 йил 21 декабрь.

МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЛАР БОШЛИҚЛАРИНИНГ ЖУРНАЛИСТЛАР БИЛАН СУҲБАТИ

Олмаота учрашувида қабул қилинган ҳужжатлар бутун дунёда катта қизиқиш уйғотди. Буни ўша куниёқ бўлиб ўтган матбуот конференцияси руҳидан ҳам билса бўлади.

А. ЗУФАРОВ олган сурат.

ОЛМАОТА, 21 декабрь. (ҚозТАГ — ТАСС). Собиқ ССР Иттифоқидаги ўн бир суверен республика раҳбарларининг Олмаота учрашуви тугади. Учрашувда давлатимизнинг қиёфасини ўзгартирадиган ва уни мутлақо янги ҳолатга ўтказадиган жуда муҳим ҳужжатлар қабул қилинди.

Нурсултон Назарбоев Қозоғистон Президентининг қароргоҳида бугун кечқурун журналистлар билан бўлган суҳбатни очиб, шу сўзларни айтди. Учрашувда унинг барча қатнашчилари мустақил давлатлар ҳамдўстлигини тузиш тўғрисдаги Минск битимига доир протоколни, Олмаота Декларациясини, мустақил давлатлар бошлиқлари Кенгашининг Қуролли Кучлар мувоққат қўмондонлиги тўғрисидаги протоколини, мустақил давлатлар ҳамжамиятининг мувофиқлаштирувчи муассасалари тўғрисидаги битимни, ҳамдўстлик давлатлари бошлиқларининг БМТ Уставига мувофиқ собиқ СССР ҳуқуқлари ва мажбуриятлари хусусидаги ҳуқуқий ворислиги ҳақидаги қарорини, ядро қуроли хусусида биргаликда кўриладиган чора-тадбирлар ҳақидаги битимни имзоладилар, деди у.

Нурсултон Назарбоев мазкур ҳужжатларнинг моҳиятини таърифлар экан, жумладан, республикалар тенг ҳуқуқли шартлар билан ҳамдўстликларини айтди. Давлатлар бошлиқларининг Кенгаши унинг олий органи бўлади. Ҳукуматлар бошлиқларининг Кенгаши ҳам тузилди. Ҳарбий ташкилотларнинг тузилиши ислоҳ қилингунга қадар Қуролли Кучлар қўмондонлиги авиация маршали Евгений Шапошниковга топширилди. Ҳамманинг якдил фикрига кўра Россия БМТ Хавфсизлик Кенгашида ҳамдўстлик давлатларининг манфаатларини ифодалайди. Учрашув қатнашчилари жаҳон ҳамжамиятига мурожаат этиб, мустақил давлатлар ҳамжамияти барча аъзоларини БМТга қабул этиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқишни илтимос қилдилар. Ўз ҳудудида ядро қуролига эга бўлган давлатлар мазкур стратегик қудратни ягона бошқариш ҳақида келишиб олдилар. Қозоғистон Президенти ҳамдўстликнинг фаолияти билан боғлиқ бўлган бошқа муҳим масалалар давлатларнинг бошлиқлари томонидан уларнинг 30 декабрда Минскда бўладиган учрашувида ҳал этилишини журналистларга маълум қилди.

Россия Президенти Борис Ельцин саволларга жавоб берар экан бундай деди: учрашувда қабул этилган ҳужжатларда мустақил давлатлар ҳамжамиятига кирувчи давлатларнинг ҳудудий яхлитлиги ва чегараларининг дахлсизлиги қоидалари қайд этилган. Шу билан бирга улар, Б. Ельциннинг айтишича барча республикаларнинг фуқаролари бемалол кириши учун очиқ бўлади. Ҳамдўстликнинг ташқи чегараларини қўриқлаш махсус тузилган комитетга топширилади.

Россия, Украина ва Ўзбекистон Президентлари фуқаролик муаммолари ҳақида гапириб, модомики, мустақил давлатлар ҳамжамияти давлат эмас экан, фуқаролик ҳар бир республиканинг қонунлари билан белгиланишини айтдилар.

Ҳамдўстликнинг номи ҳақидаги масалани муҳокама қилиш пайтида томонлар Минскда қабул этилган номни қолдиришга рози бўлдилар, деди Леонид Кравчук. Иқтисодий маконга келганда, у Европа-Осиё макони деб аталади.

Борис Ельцин мухбирлардан бирининг Иттифоқнинг парчаланиш жарёнлари мантиқи федератив давлат бўлган Россияга ҳам ёйилиши мумкинлиги ҳақидаги тахминга қўшилмади. Б. Ельцин бундай деди: РСФСРнинг марказий маъмурлари ўз таркибига кирувчи республикаларнинг суверенитетини тан олиб, улар билан уларнинг Россия таркибидаги мақоми ҳақида шартномалар тузиш ниятидадирлар. Ўйлайманки, бу масалада, жумладан, Татаристон билан ҳам зиддият бўлмайди, деб таъкидлади у. Ҳамдўстликнинг тузилиши миллатлараро можароларни тўхтатишга ва бу муаммоларни зўравонлик усулларисиз ҳал этишга кўмаклашадими? — деган саволга Озарбайжон Президенти Аёз Муталибов бундай жавоб қайтарди: собиқ Иттифоқ маркази қила олмаган ишларга мустақил давлатлар ҳамдўстлиги доирасида муайян даражада эришилади. Бу фикрга Арманистон Президенти Левон Тер-Петросян тўла-тўкис қўшилди. Журналистлар билан суҳбат тугагандан кейин Борис Ельцин бундай деди: «Бугун ғоят ижобий қарорлар қабул қилинди. Бу қарорлар дунёдаги барча халқларнинг енгил нафас олишига имкон беради». Бу сўзлар Олмаота учрашувининг якунларига берилган жуда аниқ ва рўй-рост баҳо бўлди.

ТУРКИЯДА ИМЗОЛАНГАН ШАРТНОМАЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси билан Туркия Жумҳурияти ўртасидаги алоқаларнинг асоси ва мақсадлари тўғрисидаги ҳужжат.

Уни Ўзбекистон номидан Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Каримов

Туркия Жумҳурияти номидан Туркия Жумҳуриятининг Президенти Турғут Озал имзоладилар.

2. Ўзбекистон Республикаси билан Туркия Жумҳурияти ўртасида иқтисодий ва савдо ҳамкорлиги тўғрисида битим

уни Ўзбекистон Республикаси номидан Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Каримов

Туркия Жумҳурияти номидан Туркия Жумҳуриятининг Президенти Турғут Озал имзоладилар.

3. Аҳдлашув ҳақида протокол

уни Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Каримов, Туркия Жумҳуриятининг Президенти Турғут Озал имзоладилар.

4. Ўзбекистен Республикаси билан Туркия Жумҳурияти ўртасида, маданият, фан, таълим, соғлиқни сақлаш, спорт ва туризм соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим

уни Ўзбекистон Республикаси ҳукумати номидан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамаси раисининг ўринбосари Б. Ҳамидов

Туркия Жумҳурияти ҳукумати номидан маданият вазири Д. Фикри Сағлар имзоладилар

5. Ўзбекистон Республикаси билан Туркия Жумҳурияти ўртасида 1992—1993 йилларда маданият, таълим ва фан соҳасида алмашувлар тўғрисидаги протокол

уни Ўзбекистон Республикаси ҳукумати номидан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамаси раисининг ўринбосари Б. Ҳамидов

Туркия Жумҳурияти ҳукумати номидан маданият вазири Д. Фикри Сағлар имзоладилар

6. Ўзбекистон Республикаси билан Туркия Жумҳурияти ўртасада консуллик ваколатхоналари алмашиш тўғрисида протокол

уни Ўзбекистон Республикаси ҳукумати номидан Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Шаҳло Маҳмудова

Туркия Жумҳурияти ҳукумати номидан Бош вазир ўринбосари, ташқи ишлар вазири вазифасини бажарувчи профессор Эрдол Инено имзоладилар

7. Ўзбекистон Республикаси билан Туркия Жумҳурияти ўртасида транспорт ва коммуникациялар соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида битим

уни Ўзбекистон Республикаси ҳукумати номидан Ўзбекистон Республикаси алоқа вазири Комил Раҳимов

Туркия Жумҳурияти номидан транспорт ва коммуникациялар вазири Яшар Токчу имзоладилар

8. Ўзбекистон ахборот бошқармаси билан Туркия Онадўлу бошқармаси ўртасида ахборот алмашиш ва ҳамкорлик тўғрисида протокол

уни Ўзбекистон ахборот бошқармаси номидан Эркин Ҳайитбоев

Туркия Онадўлу бошқармаси номидан бош директор Беҳичем Экши имзоладилар

9. Ўзбекистон Республикаси Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитети билан Туркия радио ва телевидение ташкилоти ўртасида ҳамкорлик тўғрисида протокол

уни телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитети номидан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамаси раисининг ўринбосари Б. Ҳамидов

Туркия радио ва телевидение ташкилоти номидан К. Ойдин Эрдам имзоладилар.

Сайловчилар билан учрашувлар

Ислом Каримов мустақил республикалар бошлиқлари билан бирга Олмаотада мустақил давлатлар ҳамдўстлиги тузилгани тўғрисидаги битимни имзолаганидан сўнг Олмаотадан қайтиб келгач, 22 декабрь куни Фарғона ва Андижон вилоятларига сафар қилди. У сайловчилар билан учрашди. ЎзТАГ мухбирлари бу ҳақда хабар қилдилар:

Фарғона ижтимоий-сиёсий марказида халқ депутатлари вилоят Кенгашининг раиси Ғ. Фозилов сайловолди учрашувини очди. Ўзбекистон Республикаси президентлигига номзоднинг ишончли вакили М. Шербўтаев Ислом Каримовнинг таржимаи ҳолини гапириб берди.

Учрашувда сўзга чиққан Ўзбекистон Халқ демократик партияси Фрунзе район ижроия комитетининг раиси И. Раҳимов, Киров районидаги Киров номли колхоз раиси С. Абдумажидов, «Янгичек» масчитининг мутаваллиси Тоиржонхўжа Йўлдошев, вилоят ҳарбий комиссари Н. А. Бойченко И. А. Каримовнинг Президент лавозимидаги амалий фаолиятини, унинг Ўзбекистон мустақиллиги ва обрўсини мустаҳкамлаш, халқ турмушини яхшилаш соҳасидаги ишларини юқори баҳоладилар.

Тушдан кейин И. А. Каримов Андижонда сайловчилар билан учрашди. Унда вилоят барча шаҳарлари ва районларининг вакиллари қатнашдилар.

Президентликка номзоднинг ишончли вакили, халқ депутатлари Балиқчи район Кенгашининг раиси Б. Раҳмонов ва учрашувда сўзга чиққан бошқа кишилар номзоднинг республикадаги иқтисодий аҳволни ҳамда сиёсий вазиятни чуқур билишини, унинг қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари, ўқувчи-ёшлар ва талабалар, уруш ва меҳнат фахрийлари, кўп болали оилалар тўғрисида, миллатидан, динидан, сиёсий маслакларидан қатъий назар республика аҳолиси барча табақаларининг турмуш шароитларини яхшилаш ҳақида аниқ мақсадни кўзлаб қилаётган ғамхўрлигини алоҳида таъкидладилар. «Бугун у мустақил республика Президенти лавозимига жуда ҳам муносиб номзоддир!» — мазкур учрашув қатнашчиларининг умумий фикри шундай бўлди.

Президентликка номзод Фарғона ва Андижон сайловчилари ҳузурида сўзлаган нутқларида Ўзбекистонни чўзилиб кетган тангликдан олиб чиқиш дастури ҳақида батафсил тўхталди, иқтисодиёт ва маданиятни ҳар томонлама тезроқ юксалтириш, аҳоли фаровонлигини ошириш, сиёсий ва ижтимоий барқарорликни мустаҳкамлаш, мустақил Ўзбекистоннинг барча фуқаролари фаровонлиги, тинчлиги ва аҳиллигига эришиш учун республика раҳбарияти кўраётган ва яқин келажакда амалга оширадиган тадбирлар ҳақида гапириб берди.

У халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, мустақил Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига тўла ҳуқуқли аъзо бўлиб кириши учун яхши истиқболлар борлигини таъкидлади. Республика ҳукумат делегациясининг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини жаҳон ҳамжамияти давлатлари орасида биринчи бўлиб таниган Туркияга яқинда қилган ташрифи натижалари бундан далолат бермоқда. Президентликка номзод мустақил Ўзбекистон халқ хўжалигининг барча тармоқларини ривожлантириш борасида амал қилиниши керак бўлган «ривожланишнинг Туркия андозаси» афзалликларини далиллар билан кўрсатиб берди.

Учрашув қатнашчилари барча сайловчиларга мурожаат қабул қилиб, унда 29 декабрь куни бўладиган Президент сайловида Ислом Каримов учун овоз беришга чақирдилар.

ТБИЛИСИДА КЕСКИН ВАЗИЯТ

МОСКВА, 22 декабрь. (ТАСС мухбири). Грузия пойтахтидан келган маълумотларга қараганда, шаҳарда бутун тун мобайнида отишма бўлган, у эрталаб ҳам тўхтамаган. Жароҳатланганлар бор. Ўлдирилганлар тўғрисида маълумот олингани йўқ. Шаҳар марказида транспорт қатнови тўхтаб қолган.

Оппозициянинг сиёсий маҳбусларни озод қилиш, оммавий ахборот воситаларига эркинлик бериш, шаҳар марказидаги баррикадаларни олиб ташлаш ва одамларга ҳукумат уйи олдида ўз фикрини эркин айтиш имконини бериш тўғрисидаги талаблари вазиятнинг кескинлашишига сабаб бўлди. Ҳукумат ўз навбатида оппозициянинг қуролсизланишини талаб этмоқда ва республика радиоси орқали халқни қонуний йўл билан сайланган раҳбариятни ҳимоя қилишга чақирмоқда.

Грузия Президентининг матбуот котиби махсус алоқа воситалари орқали Москвага хабар қилишича, бугун соат 8 дан 5 дақиқа ўтганда Тенгиз Китовани раҳбарлигидаги қуролланган бўлинмалар ҳукумат уйига икки томондан ҳужум қилганлар. Ҳозир отишма давом этмоқда. Дастлабки маълумотларга қараганда, худди шу қуролли бўлинмалар метрополитеннинг иккита станцияси биносини ҳам қуршаб олганлар.

●

МОСКВА, 22 декабрь. (ТАСС мухбири). Грузия пойтахтидаги вазият тўғрисида баъзан қарама-қарши ҳамда унча тўлиқ бўлмаган маълумотлар келмоқда. ТАСС мухбири аҳволни билиш мақсадида ҳукумат алоқа воситалари орқали Грузия Президенти Звиад Гамсахурдиага сим қоқишга уриниб кўрди. Лекин бунга муваффақ бўлолмади.

Грузия ички ишлар вазирлигининг навбатчисига сим қоқишга муваффақ бўлинди, бироқ у «иши бошидан ошиб ётганини» айтиб, ҳеч қандай ахборот бермади.

Бугун эрталаб «Ипринда» мустақил ахборот бошқармасининг мухбири Зураб Двали Останкинодаги радиостудия билан алоқа боғлади. У эрталаб соат 8 да ҳукумат қўшинлари ҳукумат уйига яқинлашиб келаётган оппозиционерларни ўққа тутганини маълум қилди. Тўрт гвардиячи шу ернинг ўзида ҳалок бўлди. Текширилмаган маълумотларга қараганда, уларнинг жасадини олиб кетишга уринган бир неча киши жароҳатланди. Шундан кейин жанг бошланиб кетди. Грузия радиосининг хабар қилишича, ички ишлар вазирининг ўринбосари Роман Гванцадзе жароҳатланган. Қурбон бўлганлар сони аниқланмоқда.

●

МОСКВА, 22 декабрь. (ТАСС мухбири). Грузия Президенти матбуот котибининг референти К. Чакветадзе махсус алоқа воситаси орқали бугунги кунда рўй берган воқеаларнинг ўзига хос туркумини ТАССга маълум қилди. Уни тўлалигича келтирамиз:

«Тбилиси вақти билан соат 11 дан 15 дақиқа ўтган. Тўплардан отиш натижасида ҳукумат уйининг биноси шикастланди. Исёнчилар қуролланган гуруҳининг бир қисми Кашуст ибодатхонасини эгаллаб олди ва у ердан ҳукумат уйини ўққа тутмоқда.

Дастлабки маълумотларга қараганда, 29 киши жароҳатланди, 3 киши ўлди, уларнинг бири аёлдир.

Эрталаб исёнчиларни тўхтатиш мақсадида ҳукумат уйи олдига чиққан қуролсиз фуқароларни исёнчилар ўт очиб кутиб олишди.

Ишончли манбалардан шу нарса маълум бўлдики, республика собиқ бош вазири Тенгиз Сигуа унинг бошчилигидаги кучлар соат 15 да ҳукумат уйини ҳужум билан қўлга киритишларини айтган. Бу воқеаларнинг ҳаммаси давлат тўнтаришига уринишдан бошқа гап эмас».

«Тбилиси вақти билан соат 12 дан 45 минут ўтган.

Отишма давом этмоқда. Сўнгги маълумотларга қараганда, 50 киши жароҳатланган, уларнинг икки нафари жуда оғир аҳволда ётибди. 7 киши ўлдирилган».

●

МОСКВА, 22 декабрь. (ТАСС мухбири Андрей НАРИШКИН). Тбилиси горнизони қисмлари ҳамда бўлинмалари холис турибдилар ва ҳукумат уйи олдидаги майдонда рўй берган можароларга аралашмаяпти. Бугун Москва вақти билан соат бирда Грузия пойтахтида жойлашган Кавказорти Ҳарбий Округи штабининг навбатчиси ТАСС мухбирига шуни маълум қилди.

Навбатчининг сўзларига қараганда, штабда шаҳардаги аҳвол тўғрисида расмий маълумот йўқ, чунки бир-бири билан уришаётган томонларнинг ҳатти-ҳаракатлари тўғрисида ахборот тўплашга рухсат берилмаган.

●

ТБИЛИСИ, 22 декабрь. (ТАСС мухбири Альберт КОЧЕТКОВ). Оппозициячи қуролланган бўлинмалар бугун эрталабдан бошлаб Грузия ҳукумат уйини ўққа тутишмоқда. Республика пойтахтидаги ҳукумат уйи ҳимоячиларидан камида 7 киши ўлдирилган, 50 киши жароҳатланган. Президент матбуот хизматининг хабар қилишича, Тбилиси вақти билан соат 16 да қуролланган оппозиция раҳбарлари ҳукумат уйига ҳужум қилинишини айтганлар. Бу унга ишончли манбалардан маълум бўлган.

Ҳукумат уйи ўққа тутилиши натижасида унинг теварагидаги биноларга ҳам зарар етказилган. Гранатомётдан отилган ўқларнинг бири Президент матбуот хизмати биносига келиб тушган. Бу ерда одатда Грузияда жойлашган мухбирлар ишлашади.

Расмий маъмурлар ҳукумат уйининг ҳимоячилари биринчи бўлиб ўт очганликлари тўғрисида баъзи оммавий ахборот воситаларида пайдо бўлган хабарларни қатъиян рад этишмоқда.

Ҳукумат биносидан телевидение орқали деярли узлуксиз ахборотлар берилмоқда. Грузия марказидаги отишмалар, қон тўкилиши шаҳар ҳаётига унча таъсир қилмагани ғалати туюлмоқда. Атиги бир неча километр нарида колхоз бозори одамлар билан гавжум, тбилисиликлар Янги йилга маҳсулотлар ғамлашмоқда, қатнаётган енгил машиналарнинг охири кўринмайди.

Маҳаллий вақт билан соат 15 да ҳукумат уйини қуролланган оппозиция отрядлари деярли тўла қуршаб олган эди. Бино автомат қуроллардан ёппасига ўққа тутилмоқда.

Ҳужум қилаётганлар «Ивария» меҳмонхонаси томонидан бинога бориладиган ерларда зирҳли техникани тўплаб қўйдилар. Руставели номли марказий шоҳкўчанинг бошқа томонида ҳукуматга ва Президентга содиқ қўшинларнинг кўп юк ташувчи машиналардан иборат баррикадаси улар йўлини тўсиб қўйган.

Республиканинг пойтахтга яқин шаҳарлари ва районларидан қуролланган отрядлар ёрдамга келмоқда.

●

МОСКВА, 22 декабрь. (ТАСС мухбири). Грузия доимий ваколатхонасидан ТАСС мухбирига хабар қилишларича, Тбилисида оппозициячилар ҳозиргина ҳукумат уйига ҳужум бошлаганлар.

●

ТБИЛИСИ, 22 декабрь. (ТАСС мухбири Альберт КОЧЕТКОВ). Оппозициянинг қуролланган отрядлари ҳали ҳам ҳукумат уйини қаттиқ ўққа тутмоқда. Шу мақсадда бошқариб бўлмайдиган ракета снарядлари ўрнатилган «Алазани» қурилмаларидан фойдаланилмоқда.

Ҳукумат уйида телевидение орқали сўзга чиққан Грузия Олий Кенгашининг депутати Виктор Домуховский оппозиция «босқинчи қўшинлар» ёрдамида ҳаракат қилаётганини айтди. Унинг бу гапларини Кавказорти Ҳарбий округи штабининг вакили рад этди. Вакил ТАСС мухбирига шуни хабар қилди: «қўшинлар ҳар бир кунни одатдаги тартибга асосан ўтказишмоқда. Биз республиканинг ички ишларига аралашмоқчи эмасмиз». Расмий маъмурлар депутатнинг гапларини Грузия раҳбарияти фикрини акс эттирмайдиган унинг шахсий фикри сифатида баҳоладилар.

Ишончли манбалардан олинган маълумотларга қараганда, оппозиция Грузия Олий Кенгашининг депутати — республика Президентининг энг содиқ ва яқин тарафдори Автандил Рцхиладзени асир олган. Ҳукумат уйини ҳимоя қилиш чоғида республика ички ишлар вазирининг ўринбосари, шаҳар ички ишлар бошқармасининг бошлиғи Роман Гвенцадзе жароҳатланган.

Энди Совет Иттифоқи йўқ

ОЛМАОТА, 21 декабрь. (ТАСС мухбири). Яна тўққиз кундан кейин Совет Иттифоқи ташкил топганига 70 йил тўлган бўлур эди. Бироқ бугундан бошлаб Совет Иттифоқининг умри тугади. Олмаотадаги учрашувда ҳамдўстлик давлатларининг мухтор вакилларига шу йилнинг 30 декабригача собиқ ССР Иттифоқининг тузилмаларини тугатиш юзасидан, шунингдек ҳамдўстликнинг мувофиқлаштирувчи муассасалари ҳақида давлат бошлиқлари Кенгашининг муҳокамасига таклифлар киритиш топширилди.

Ўнлаб авлодлар томонидан мисқоллаб йиғилган буюк давлат энди фақат ҳариталаргагина қолди. Оғир йилларда ўзининг юздан ортиқ халқини бир бутун қилиб жипслаштира олиш қобилиятини неча марталаб исботлаган ягона давлат ўрнида мустақил давлатлар ҳамдўстлиги юзага келмоқда. Унинг 11 аъзоси мутлақо мустақил бўлиб, марказий ҳукуматга бўйсунмайди.

Михаил Горбачевнинг зўр куч-ғайратларига ва ён беришларига қарамай, Иттифоқ Шартномасининг уч хил нусхаси бугун архив ҳужжатлари бўлиб қолди, холос.

ВИЛОЯТ КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ

Қаршида халқ депутатлари Қашқадарё вилоят Кенгашининг сессияси бўлди. Сессия қатнашчилари вилоят халқ хўжалиги тармоқларида мулкчиликнинг янги шаклларини ривожлантириш, давлат мулкини хусусийлаштириш, корхоналарни ижарага бериш, акционерлик жамиятлари тузиш тўғрисидаги масалаларни муҳокама қилдилар. Вилоят ижроия комитетининг раиси Т. М. Аримов маъруза қилди.

Ташкилий масалалар ҳам кўриб чиқилди.

(ЎзТАГ).

ИШЛАГАН ТИШЛАЙДИ

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА АҲОЛИНИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИ ЛОЙИҲАСИГА ТАКЛИФЛАР

ҚОНУН лойиҳаси, ҳеч сўзсиз, жуда катта имкониятларни, ҳуқуқ ва бурчларни вужудга келтирган. Лекин биз шу Қонуннинг келажакда мақсадга мувофиқ самара бериши учун, баъзи бир низоли моддалари, қоидалари бўйича тўхталмоқчимиз.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларига берилган ҳуқуқлардан бири қонун лойиҳасининг 5-моддасига биноан имтиёзли имкониятларга, яъни чет давлатлар билан келишилган ҳолда бу шахсларнинг мутахассислигини ҳамда куч-қувватини, маълумотини, баъзи ҳолларда эса жинсини эътиборга олиб чет мамлакатлар билан битимлар тузиш имкониятига кенг имтиёзлар яратилсин, дейилган. Бизнинг фикримизча, бу ҳуқуқни кенгайтириш лозим. 5-модданинг охирги қисмига аниқ қилиб **«Ўзбекистон Республикасида истиқомат қилувчи ҳар бир фуқаро ихтиёрий асосда ўз касби доирасида чет давлатлар билан маълум муддатга битим тузиш ҳуқуқига эгадир» деб киритиш лозим.**

Бу қонун лойиҳасининг ижтимоий моҳияти ва мазмунини юқорига кўтарадиган нормалардан бири ноғиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни кафолатлаш нуқтаи назаридан келиб чиқиб, у Ўзбекистон Республикасидаги корхона, ташкилот ва муассасалар тегишли нормадан (квотадан) ортиқ равишда ноғиронларни ва ижтимоий ҳимояга муҳтож шахсларни ишга қабул қилган ташкилот, муассаса учун имтиёз қисман, тўлиқ (ҳатто мутлақо) асосда қўлланилиши мумкин. Бу ерда биз Ўзбекистонда корхоналар тўғрисидаги қонун моддаларини ҳам эътиборга олган ҳолда бу ҳуқуқларни янада кучайтириш ва мустаҳкамлаш муносабатларига тўлиқ эга бўла олмаяпмиз.

Айниқса, минтақалар сиёсатини ишлаб чиқиш лозим, яъни вилоятлар, районларнинг қандай маҳсулотларни ишлаб чиқиш жараёнига ва йўналишига ихтисослашишига қараб иш билан таъминлаш давлат сиёсатини кучайтиради.

Катта меҳнат куч-қудратига эга бўлган халқимиз учун кўпроқ ер билан боғлиқ иш жойларини, қўшимча ўринларни вужудга келтириш лозим. Ҳар бир маҳаллий ҳудуд бошлиқлари, корхона, ташкилот ва муассасалар раҳбарлари, фермерлар ва бошқа шахслар халқимизнинг ижодкорлигини, ташаббускорлигини, ишбилармонлигини, тажрибасини, ҳатто оиласининг мавқеини (яъни фарзандларининг кўплигини) ҳам эътиборга олиб, иш жойларини ташкил этишда ҳисса қўшишлари мақсадга мувофиқ.

Айниқса, III бўлим 15-модданинг тўртинчи жумласидаги сўзларга, қоидаларга эътибор беринг! Шу лойиҳада кўрсатилган ҳуқуқни амалга оширишни яхши кафолатлаш лозим.

«... — тадбиркорликнинг ривожланишини рағбатлантириш:

— фуқароларга кооперативлар, кичик корхоналар ва акционерлик жамиятларининг корхоналарини ташкил этишда кўмаклашадилар», — деган сўздан кейин **«давлат идоралари бу ҳуқуқларнинг амалга оширилишини кафолатлайди»** деб қўйиш лозим.

17-моддада конкрет ривожлантиришда устунлик бериладиган ҳудудларга 2-3 йил асосида, яъни иқтисодий асосда тўлиқ ўзини ўнглаб олгунча **«барча тўланиши лозим бўлган солиқлардан озод қилинсин, ҳамда фоизсиз кредитлар берилсин»** деган қоидалар киритилса, дуруст бўлади.

Бўш иш жойларини аниқлаш, уни излаб топиш, ишга жойлаштириш ва бошқа масалаларни ҳал этувчи шахс «ҳуқуқий инспектор» деб аталиши ва юридик маълумотга эга бўлган шахслар бу фаолиятни амалга оширишлари лозим.

Умуман бу қонун лойиҳаси, юқори даражада инсонпарварлик асосида тузилган ҳамда ҳар бир кишининг манфаатини кўзлайди.

Иш билан таъминлашда баъзан шундай муносабатлар, яъни ишламайдиган шахсларга тўлиқ компенсациялар берилса-ю, аммо жамоат хўжаликларида ишлаб юрган шахслар булардан кам маош олса, бу ҳам адолатдан эмас. Қонунда ана шу мулоҳазага ҳам жавоб топилиши керак.

Х. ҒОЗИЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бошқармаси бошлиғининг ўринбосари,
О. ЭРНАЗАРОВ,
вазирликнинг бўлим бошлиғи.

29 ДЕКАБРЬ—ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ РЕФЕРЕНДУМИ КУНИ

Суҳбатдошни таништирамиз

Бектош Раҳимов 1924 йил 23 февралда Нарпай районидаги Оқтош шаҳрида деҳқон оиласида туғилган.

1941 йилда ўрта мактабни битирган, бир йил мактабда ўқитувчи бўлиб ишлаган. 1942 йили Улуғ Ватан урушига кетди. 1945 йилда урушдан қайтиб келгач, халқ депутатлари Нарпай район совети ижроия комитети бўлимларида - бошлиқ, комитет раиси ўринбосари ва раиси бўлиб ишлади. 1947-1949 йилларда ЎзДУда ўқиди. 1950 йилдан бошлаб Тошкент Олий партия мактабида таҳсил кўрди ва шу мактабда 1960 йилгача ўқитувчи, партком секретари бўлиб ишлади.

1960-1961 йилларда Ўзбекистон Компартияси Марказкомида ишлади. Сўнгра Нарпай ва Каттақўрғон район партия комитетларининг биринчи котиблигига сайланди.

1962 йилдан 1968 йилгача Хоразм, 1968 йилдан 1975 йилгача Андижон, 1975-1982 йилларда Самарқанд вилоятлари партия комитетларининг биринчи котиби лавозимларини эгаллади. 1982-1985 йилларда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари бўлди. Сўнгра пенсияга чиқди. Ҳозир Жумҳурият фанлар академияси сув муаммолари илмий тадқиқот илмгоҳида ишламоқда.

Унга 1973 йилда Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берилганди. Учта Ленин ордени, Октябрь революцияси ордени, иккита Меҳнат Қизил Байроқ ордени, «Ҳурмат Белгиси», Ватан уруши орденлари, қатор жанговор медаллар соҳиби. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган иқтисодчи. Тўрт фарзанди бор.

ИСТИҚБОЛ БУГУНДАН БОШЛАНАДИ

ЖУМҲУРИЯТ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОД И. А. КАРИМОВНИНГ ИШОНЧЛИ ВАКИЛИ Б. Р. РАҲИМОВ БИЛАН МУЛОҚОТ

УНИНГ муваққат хизматхонаси ҳамиша одамлар билан тирбанд. Бу ерда мен уйи яхши исмаётганлигидан арз этаётган шаҳарликни ҳам, қўйчилик муаммоси хусусида маслаҳатлашиш мақсадида узоқ Нуротадан келган чорвадорни, пайариқлик пахтакорни, ургутлик тамакикору булунғурлик сабзаводкорни, ҳатто шунчаки бу муҳтарам инсонни бир кўриб, знёрат қилиб кетиш мақсадида таширриф буюрган оқсоқолларни ҳам кўрдим.

Унинг эса ишлари кўп. Районларда, шаҳар ва қишлоқларда бўлиб сайловолди маъракаларида қатнашади, одамлар билан учрашиб, долзарб муаммолар хусусида суҳбатлашади. Уларни ҳал этиш юзасидан турли идораларга мурожаат этади. Кўплаб масалаларни жойида ҳал қилади. Хуллас, қайноқ, таъсирчан амалий фаолият билан шуғулланади.

Бу, дафъатан қараганда ғайритабиийдек, ишончли вакил ваколатлари доирасига сиғмайдигандек туюлади. Аммо...

— Аммо кундалик ҳаёт, одатий ташвишларни четга суриш мумкин эмас, — дейди Бектош Раҳимович. — Чунки бугунги оғир, мураккаб шароитда ҳар бир куннинг, ҳар бир соатнинг ўз ўрни, ўз аҳамияти бор. Бинобарин сайловолди мавсумини, у билан боғлиқ шошилинч ишларни мукаммал амалга ошириш билан бир қаторда одамларнинг энг оддий, кундалик ташвишларига ҳам ғоят жиддий эътибор бериш зарур. Зеро булар кайфиятни, руҳиятни белгилайдиган масалалардир. Кишилар руҳини кўтариш, қалбига йўл топиш, уларда эртанги кунга ишонч ҳиссини шакллантириш эса бош вазифамиздир. Ахир лоақал бир хонадон иқлимини иликроқ қилиш, чирғоини равшанроқ этиш, мусаффо оби ҳаётдан баҳраманд бўлишига кўмаклашишдан кўра улуғ иш борми! Халқимиз бунинг қиймати нақадар чуқур тушунади.

— Бектош Раҳимович, Сиз йигирма бир йил давомида учта вилоятда саркор бўлгансиз. Жумҳурият ҳукуматида ишлагансиз. Меҳнат Қаҳрамонисиз. Пахта иши деб аталмиш қатағонлар даврида чекан, ноҳақ жабр-жафоларингиз, гдлянчиларнинг қаттолликларига қарши мардона турганингиз ҳақида рўзномамизда батафсил ҳикоя қилиб берилганди. Туҳмату бўҳтонлар бекор қилиниб, халқ олдида юзингиз ёруғ бўлди, номингиз тўла поклади. Вилоят аҳли буни яхши билади, Сизни жумҳуриятимиздаги улуғ, табаррук инсонлардан деб ҳисоблайди. Қабулингизга келган ўнлаб одамлар шундай дейишмоқда. Президентликка номзод И. А. Каримов Самарқанд вилояти бўйича ишончли вакилликка айнан Сизни танлаганлиги шунинг учун бўлса керак! Сиз бу таклифга дарҳол рози бўлдингизми ёки... Умуман бу ишончни оқлай олишингизга имонингиз комилми!

— Мана шу ҳақдаги таклиф билдирилгандан кейин атрофлича ўйлашга, мулоҳаза қилишга тўғри келди, албатта. Чунки гдлянчилар томонидан қилинган қонунсизлик, адолатсизликларни енгиш, ҳақ-ҳуқуқни тўласинча тиклаш жуда катта маънавий, руҳий заҳматлар талаб қилди. Бундай чоғда одам ўзини бирдан ўнглаб олиши, мудҳиш азоблару кўз кўриб қулоқ эшитмаган туҳмату қабоҳатларни бирдан унутиши осон эмас. Жароҳатлар битиши, ғам-аламлар дилдан ариши учун муайян вақт ва муддат зарур.

Аммо ҳақиқат, адолат шундай ҳаётбахш кучга эгаки, инсон гўё қайта туғилгандек, умрини қайта бошлагандек бўлади. Шу билан бир қаторда таъкидлашим лозимки, бу борада чинакам адолат қарор топишида жумҳуриятимизнинг ҳозирги раҳбарияти, шахсан Ислом Абдуғаниевич кўрсатган одилона, қатъий сиёсат алоҳида аҳамиятга эга бўлди. Яхши биласиз, давлат мустақиллиги ҳақидаги улуғ ва тарихий хушхабарни айнан Каримов тилидан эшитдик. Бунинг ҳикматини, улуғворлигини авлодлар ойлар, йиллар ўтгани сари теранроқ тушуна борадилар. Ёки жумҳурият истиқболи йўлида қилаётган бошқа кўплаб мардона ишлари қанча.

Бас шундай экан, мен мана шу мард, жасур ва ишбилармон одамнинг таклифини қабул қилмаслигим асло мумкин эмасди. Унинг сайловдаги ғалабасини таъминлаш учун бутун кучим, билимим, тажрибамни аямайман.

— Демак, Сиз-кўпин кўрган, тажрибали раҳбар, юрт оқсоқолларидан бири сифатида Ислом Каримовни республика Президентлигига муносиб ягона номзод ҳисоблайсиз. Шундайми!

— Шундай. Айни пайтда Ислом Абдуғаниевич билан учрашувда у кишининг айрим камчиликларини, эътиборга олиши лозим бўлган масалаларни ҳам очиқ-ошкора айтдим. Мен юқорида мард инсон деганда шуни назарда тутдимки, у киши камчиликларини тан олиш, ўз вақтида тузатиш фазилатига эга. Буни халқ депутатлари ҳам, зиёлилар ҳам, хуллас бутун аҳоли кўриб, ишонч ҳосил қилиб, тан бериб турибдилар.

Мен вилоятнинг деярли барча бурчакларини айланиб чиқдим. Оддий одамлар, ишчилар, деҳқонлар, зиёлилар ана шу фикримни тасдиқлашмоқда. Шу муносабат билан жумҳурият матбуоти, радио ва телевидениесининг раҳбарлари, журналистларга аталган бир мулоҳаза: муайян номзоднинг номини ҳадеб қуруқ такрорлайвериш унга фойда эмас, зарар келтириши мумкин. Бунинг ўрнига қилинган ишларни аниқ-равшан далиллар воситасида кўрсатиб бериш ёки сайловолди дастуридаги режаларнинг нақадар асосли, тагзаминли эканлигини таҳлил қилиш мақбулроқдир. Биз учрашувларда И. А. Каримов раҳбар бўлгандан кейин юз берган ижобий ўзгаришларни, фермонлар ва улар ижросини, айрим қиёмига етмай қолган ишлар ва уларни тезроқ бажариш йўлида нималар қилиниши зарурлиги ҳақида дўстона гапиришмоқдамиз. Танқидларни ҳам, истак-мулоҳазаларни ҳам бажонидил тингламоқдамиз. Қуруқ мадҳиябозлик билан эмас, кўпроқ таҳлил ва амалий ишлар билан шуғулланаётирмиз. Бу ўзининг яхши самарасини бермоқда, одамлар руҳиятига илҳомбахш таъсир кўрсатмоқда. Яхши кайфият уйғота олиш эса ғалабанинг бош омилидир.

— Муҳаммад Солиҳ ҳақида фикрингиз қандай! У сайловда ғалаба қозониши мумкинми!

— Аввало биз, И. А. Каримов командаси аъзоларимиз. Аммо кучига ишонмаган — майдонга тушмайди. Умуман Муҳаммад Солиҳга муносабатимга келсак, мен уни ноёб истеъдод соҳиби бўлган, зукко, теран билимли ижодкор ва етук сиёсатдон бўлиб камол топаётган жамоат арбоби сифатида ҳурмат қиламан. У жумҳуриятимиздаги миллий озодлик ва мустақиллик ҳаракатининг фидойиларидан бири, парламент услубидаги янги «Эрк» партияси асосчисидир. Шубҳасиз, у келгусида янада ўсади, ижтимоий-сиёсий тажрибасини бойитади. Миллат истиқболи учун хизмат қилади.

— Демак Сиз агар Ислом Каримов сайловда ғолиб чиққан тақдирда ҳам барча-бир Муҳаммад Солиҳ ва унинг партияси билан узвий ҳамкорлик олиб борилиши лозим, деб ҳисоблайсиз.

— Ҳа. Худди шундай қилинса, улуғ ва оқилона иш бўлади.

— Сизнинг вилоятдаги «ҳамкасбингиз», яъни Муҳаммад Солиҳнинг ишончли вакили С. Муродовга ҳам сайловолди ишлари олиб бориш учун зарур шарт-шароитлар етарлимикан! Умуман «Эрк» партиясининг келажаги ҳақида нима дея оласиз!

— Бу саволнинг биринчи қисми кўпроқ, вилоят сайлов комиссиясига тегишли. Бироқ айтишим мумкинки, мен бу масала билан қизиқдим ва унга барча қулайликлар яратилиши керак, деган фикрни вилоят раҳбарларига холисона айтдим. Ахир қонун бир, у ҳамма учун муштарак! Яна шуни алоҳида таъкидлашни истардим: илгари шу воҳадаги иккита районни бошқарганман, 1975—1982 йилларда вилоят раҳбари бўлиб ишлаганман. Ўзингиз таъкидлаганингиздек, кўпчилик танийди, ҳурмат қилади, ёрдам беришга интилади. Шоир айтганидек, «сийланган жойида азиздир инсон». Демак, менинг ҳозирги иш кунларим ўта қизғин бораётганлигини қандайдир алоҳида шарт-шароитлар яратилганлиги билан боғлаш нотўғри бўлур эди. Ёки шундай эмасми?

«Эрк» ҳақида фикр билдиришим жоизмикан... Кўппартиялилик — ҳаётимиз учун янгилик. ХДП ҳам, «Эрк» ҳам, яқинда ўз таъсис қурултойини ўтказган деҳқонлар партияси ҳам парламент услубида, қонунлар доирасида, ҳалол ишлаб, халқ дилига йўл топа олсагина ўз олдига қўйган мақсадларга эришиши мумкин. «Бирлик» хусусида ҳам шу фикрдаман.

— Жойларда Президент сайлови ҳамда жумҳурият референдумига тайёргарлик, сайлов комиссиялари олиб бораётган амалий ишлардан кўнглингиз тўлдими!

— Мавжуд сиёсий вазият ана шу маъракани тезроқ ўтказишни тақозо этганлигини биласиз. Демак, қисқа муддат ичида жуда кенг кўламдаги ишларни бажаришга тўғри келаяпти. Шу боисдан сайлов комиссиялари, бу ишга мутасадди ўртоқлар бироз шошиб қолганликларини кўриб турибмиз. Бу маълум даражада тажрибанинг етарли эмаслиги билан ҳам боғлиқ. Нима бўлганда ҳам сайловлар юксак онглилик, фаоллик вазиятида, ҳалоллик ошкоралик шароитида уюштирилиши керак. Қонун талаблари, инсонийлик, сиёсий одоб озгина бўлса-да, бузилишига асло йўл қўйиш мумкин эмас. Ахир бу маъракада чет эллардан, қўшни жумҳуриятлардан кузатувчилар қатнашадилар. Бир сўз билан айтганда, бутун жаҳон аҳли бизга нигоҳ қадаб турибди.

Шу ерда, холис, самимий бир фикрни айтишни истардим. Собиқ компартия идоралари бундай тадбирларни, умуман турли ижтимоий-сиёсий маъракаларни ўтказиш борасида улкан тажрибага эга эдилар. Биз бугунги кунда уларни кўр-кўрона инкор этиб ташлаяпмиз. Менимча, аниқлик, ҳозиржавоблик, топширилган иш учун масъулият, жавобгарлик бугунги кунда ҳам жуда асқотадиган фазилатлардир. Ўтмишни, тарих тажрибасини ҳамиша чуқур, атрофлича таҳлил этиш, ижобий белгиларини дадил олиб, қўлланиш керак.

Жумҳурият, вилоят миқёсидаги бошқарув тузилмаларини янгидан ишлаб чиқишда бу масалага эътибор берилса нур устига аъло нур бўлади.

— Дарвоқе, янги тузилмалар... Сизнингча, барча вилоят, шаҳар ва район раҳбарлари умумхалқ услубида сайланиши керакми ёки Президент томонидан тайинланса яхшими!

— Бу масалада демократия, қонун талабларидан ва энг муҳими халқимизнинг тарихий, миллий тажрибасидан келиб чиқилса дуруст. Биргина мисол. Буюк бобомиз Амир Темур ўзининг атоқли саркардаларини сайлов йўли билан танлаган. Айни пайтда унинг давлати, лашкарида аҳиллик, қаттиқ интизом доимо барқарор бўлган. Сирасини айтадиган бўлсам, элимиздаги донолик, сабр-тоқатлилик, ўзаро иззат-ҳурмат сифатлари ана шу тузилмалар замирига сингдириб юборилса қанийди!

— Мана шу янги тузилмаларда иштирок этишни, яъни ўз ижтимоий-сиёсий фаолиятингизни аниқ бир жабҳада давом эттиришни хоҳлармидингиз! Вилоятдаги кўплаб кишилар Сизни ҳамон йигитлардек бардам, катта ғайрат-шижоатга эга, масъулиятли соҳаларни бемалол бошқаришга қодир дейишмоқда.

— Бу эътибор ва ишонч учун азиз юртдошларга минг раҳмат! Аммо ҳозир асосий мақсадим ўзимга билдирилган ишончни оқлаш, топширилган масъулиятли вазифани бекаму кўст адо этишдан иборат. Шундан сўнг менинг тўплаган озми-кўпми тажрибамдан фойдаланиш бирор жойда зарур бўлиб қолса, ҳамиша хизматга тайёрман. Шу ўринда жоиз топилса яна бир фикр: вилоятдаги кўплаб сафдошларим, меҳнат фахрийлари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Шамси Назаров, уста пахтакор Отақул Ҳусанов, донгдор чорвадор Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Норбой Эргашев ва бошқа ўнлаб фидокорларнинг тажрибалари, доно ўгиту маслаҳатларини қўлланиш лозим. Умуман, бизда бошқарувнинг барча бўғинларида маслаҳатчилар ёки оқсоқоллардан фойдаланиш ибратли бўлади. Бу борада ҳам қадимги Туркистон давлатлари, хусусан Амир Темур ҳокимияти иш услубини мисол қилиб келтириш мумкин. Хуллас, олдинда ғоят серқирра, мураккаб, айни пайтда гўзал, серҳикмат ишлар борки, уларни баҳамжиҳат, бамаслаҳат, оқсоқоллар тажрибасию ёшлар ғайрат-шиддатини уйғунлаштирган ҳолда амалга ошириш зарур. Ахир халқимизда «Қари билганни пари билмас» ёки «Бир кексанинг ва бир ёшнинг айтганини қил» деган ажойиб нақллар бор.

Энг муҳими, бугун жонажон Ўзбекистонимиз — мустақил давлат. Бу давлат халқи ўз Президентини ўзи сайламоқда. Келгусида ҳаётини, истиқболини ўзи белгилайди. Дунёдаги барча тенг мамлакатлар ичра тенг улуғ мамлакат бўлади. Буларни англаш, ҳис этиш нақадар сурурлидир. Бинобарин, мен рўзномангиз орқали азиз сайловчи дўстларни ҳур ўлкамиздаги биринчи озод, эркин сайловларда фаол иштирок этишга, жумҳуриятимиз тўла мустақиллиги учун, элимиз сардорлигига муносиб номзод — Ислом Абдуғаниевич Каримов учун якдил овоз беришга чақираман.

— Мазмунли суҳбат учун ташаккур.

— «Халқ сўзи» муштарийларига омонлик, бардам саломатлик, бахт-иқбол ёр бўлсин.

Суҳбатдош: Ҳабиб ТЕМИР, «Халқ сўзи» мухбири.

Мактубларингиз қаймоғи

БИЗ УНГА ИШОНАМИЗ

...Мен ҳеч қайси партияга аъзо эмасман. Оддий ишчиман. Бироқ Ўзбекистоннинг бирфуқароси сифатида шуни айтмоқчиманки ойнаи жаҳонда кўриб, матбуот саҳифаларида ўқиб «Эрк» демократик партияси энг тўғри йўлни танлаганлигига амин бўлдим, чунки бу партия дилдаги гапларни гапираяпти. Масалан, мустақил давлатнинг ўз армияси бўлиши керак. Бу масалани кечиктириб бўлмайди. Уни тузиш учун иқтисодни баҳона қилиш халқ тақдири йўлида ўта масъулиятсизлик қилиш демакдир...

Ўзбекистонда биринчи марта ўтказилган референдум республикамизнинг иттифоққа қўшилиш ёки қўшилмаслиги ҳақида эди. Референдум ўтказиш арафасидаги кунларни эсланг: матбуотда, ташкилотларда, маҳалла-кўйда — умуман ҳамма жойда ташвиқотчилар Иттифоқда қолишни зўр бериб тарғиб қилишди. Жумҳуриятимизга четдан қанча маҳсулот келаётганини қайта-қайта бўрттириб таъкидлашди, лекин биздан четга нималар чиқаётганини айтишни ҳеч ким хоҳламади, ёки қўркди. Фақат Муҳаммад Солиҳ, Мирзо Кенжабек каби саноқли ҳур фикрли кишиларгина матбуот орқали ҳақиқатнинг ўткир қирраларини кўрсата олди. Бунинг устига, референдум ҳақиқий баҳо беришнинг имкони бўлмади.

29 декабрь куни бўладиган сайловни адолатли ўтказишларини жуда ҳам хоҳлардим... Қариндош-уруғларим ва таниш-билимни мустақил Ўзбекистон учун овоз беришга чақираман. Президентликка кимнинг номзодини қўллаш ҳар кимнинг ўз иши. Шахсан мен Муҳаммад Солиҳ учун овоз бераман.

Насриддин ТОШХЎЖАЕВ.
Асака районы.

* * *

Биз Риштон тумани «Эрк» чилари барча юртдошларимизни 29 декабрда ўтказиладиган референдумда жонажон Ўзбекистонимиз мустақиллиги учун овоз беришга чақирамиз.

Биз шу куни «Эрк» демократик партиясидан Ўзбекистон Президентлигига номзод Муҳаммад Солиҳнинг сайлов олди ҳаракат дастурини маъқуллаган ҳолда унга овоз берамиз. Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши ҳамда Ўзбекистон мустақиллиги асосчиларидан бири, халқимизнинг севимли фарзандига бу курашда сиёсий билимдонлик, ўзбекона мардлик ва омад ёр бўлсин.

Асадулло СОЛИҲ.
Риштон районы.

...Сўнгги илтимосим муштарийларга:

Эй, буюк халқим! Яқинда Президент сайлови бўлади. Дўппини олиб, ўйлаб кўрайлик! Олдинги сайловлардан тажрибамиз бор: Сайлов кунлари совун, шакар, ёғ сотиб, ҳатто калиш совға қилиб сайланганлар ҳозир қорасини кўрсатмаяпти. Яна шундай найрангларга учиб қолмайлик. 4 — 5 йиллик тақдиримизни икки кило қанд ё гуручга алмаштириб юбормайлик!

Балки мен ёзган фикрлар нотўғридир. Илмсизман. Кечирасизлар.

Сизларга ва бўлажак Президентимизга зафар, омад ёр бўлсин. Яратганнинг ўзи қўлласин!

АБДУЛЛОҲ.
Марғилон шаҳри, Совет кўчаси.

* * *

Президентликка сайлов олдида бир нарса аён бўлиб қолди, яъни «Эрк» партиясини кўпчилик билмас экан. Шунинг учун партия аъзолари ўз ҳудудида ташвиқот ишларини олиб борса яхши бўларди. Ҳозир кўриб турганимиздек, радио, телевизорда, барча рўзномаю меҳнат коллективларида, маҳалланинг жин кўчалари-ю, борингки, ҳар бир бурчакда ва минбарда фақат бир кишининг номзоди ташвиқот қилинмоқда. Гапнинг очиғини айтганда, бу атрофдагиларга ҳам республика раҳбари И. А. Каримов шахсига нисбатан ҳам аллақандай нохуш туйғу уйғотаяпти. Қолаверса, бу демократияга кирмайди, менимча.

Мен иккинчи номзод Муҳаммад Солиҳга овоз бераман. Яна бир муҳим нарса — «Ўзбекистоннинг мустақиллигини маъқуллайсизми?» — деган сўров ҳеч қаерда ташвиқот қилинмаяпти. Ахир, бу жуда жиддий масала-ку! Шунга қараб дунёнинг бошқа мамлакатлари биз билан ҳамкорлик тўғрисида ўйлайдилар:.. Ваҳоланки, Иттифоқ референдумида шундай ташвиқотлар қилишдики, қўяверасиз. «Боқиманда» деб ном олган халқимизнинг 96 фоизи Иттифоқда қолишга «рози бўлибди»! Энди ўзимизнинг мустақилликкa оид савол ҳақида эса ҳеч ким чўрқ этмаяпти. Газеталарда шунга эътибор беринглар.

Тошбой НАЖМИДДИН ўғли ТУРСУНБОЙ.

* * *

Қорақўл районида «Эрк» демократик партиясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда 1991 йил 29 декабрь куни ўтказиладиган референдум ва Президентликка сайлов ўтказишни ташкил этиш масаласи муҳокама қилинди. Тумандаги «Эрк» демократик партиясининг аъзолари Ўзбекистон Президентлигига Муҳаммад Солиҳ номзодини бир овоздан маъқулладилар.

М. РАЗЗОҚОВ, Ш. ШАРИПОВ.
Қорақўл районы.

* * *

Ҳаммамизга маълумки, ҳозир Ўзбекистонимиз икки йўл орасида. Нима қилсак иқтисодий кризисдан чиқиб кетамиз. Бундай даврда ишбилармонлик ва ҳамкорлик қўл келади. Ўрта Осиё халқларига биринчи навбатда қўшни мусулмон мамлакатлари ёрдам қўлини чўзиши мумкин.

Бошқа давлатлар билан шартномалар тузишимиз керак. Ажаб эмаски, оладиган қарзларимизни яқин йилларда ортиғи билан қайтариб бера олсак. Бунинг учун, албатта, тадбиркор раҳбар керак.

Ҳозир ҳамма жойда Президентлик сайловига қизиқиш ортмоқда. Қаерга қараманг, номзодлардан фақат биттаси яъни ўртоқ Ислом Каримов номзоди ташвиқот қилинмоқда. Ахир халқ орасида сардорликка муносиб кишилар қанча кўп бўлса, шунча яхши эмасми?!

Бугунга келиб И. Каримов ёнига у билан беллашгани журъат этиб халқимизнинг бир ўғлони Муҳаммад Солиҳ майдонга чиқди. Нега буни тан олмаслигимиз керак? Ахир, шогирдсиз устоз устоз бўладими?! Ана шу маънода олганда ҳам Республикамизда шу кунларда адолатсизликка йўл қўйилмасин. Муҳаммад Солиҳни мен раҳбарликка муносиб ўғлон деб биламан.

Кўп жойларда ўртоқ Каримовнинг номзодини қўллаб-қувватлаш бўйича комиссиялар тузилмоқда. Лекин... М. Солиҳга-чи? Унинг қарашларини, мустақиллик йўлида олиб борган курашларини кўпчилик билмайди. Шу маънода худди ўртоқ И. Каримовни собиқ коммунистлар қандай тарғибот қилаётган бўлса, эркчилар ва жумҳуриятимиз мустақиллигини қадрловчи уйғоқ фуқаролар М. Солиҳ номзодини ҳам тарғибот қилишлари шарт.

Ҳар иккала номзоднинг бор фазилатларини ҳам, нуқсонларию заиф томонларини ҳам халқ билиши керак. Шунга қараб ўз Президентини сайлаши даркор.

Камина М. Солиҳ учун овоз беради.

Авазбек ВАҲОБОВ, Фарғона техника олий илмгоҳи толиби.

ЭЛБОШИНИ ЭЛ САЙЛАР

Халқимиз яна бир тарихий воқеа арафасида турибди. Тақдирини белгилаш ҳуқуқига эга бўлган юртдошларимиз ўзларига элбоши сайлайдиган ва Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллиги масаласига муносабатларини билдирадиган кун тобора яқинлашмоқда.

Жумҳуриятимизнинг мустақил деб эълон қилинганлиги ҳаммамизни бирдай қувонтирганлигига шак-шубҳа йўқ. Бироқ шундай оғир шароитда мустақил давлатни бошқарадиган Президент ўта тадбиркор, етти ўлчаб бир кесадиган, халқининг қалбини, дардини англайдиган киши бўлиши керак. Ислом Каримов сўзсиз ана шундай фазилатларга эга.

Президентликка номзоднинг менга маъқул бўлган ибратли томони шундаки, у жумҳуриятимиз мустақиллиги, янада гуллаб-яшнаши учун тинмай жон куйдираяпти. Ислом Каримовни биз қатъиятли, гапининг уддасидан чиқадиган, ҳар қандай мураккаб шароитда ҳам эл-юрт учун қайшадиган инсон, деб биламиз.

Ш. РУЗМАТОВ.
Кўқон шаҳри.

ОЙНАИ ЖАҲОН ҚАРШИСИДА

БИР ДАРАХТНИНГ ИККИ ИЛДИЗИ

Жумҳурият ойнаи жаҳонида Ўзбекистон билан Туркия ўртасидаги тарихий, иқтисодий ва маданий алоқалар ҳақида ҳикоя қилувчи янги видеофильм (сценарий мауаллифи — М. Асадуллаев, режиссёр — Ғ. Убайдуллаев, тасвирчи — Ғ. Зиёмуҳамедов) кўрсатилди. Мазкур видеофильм куни кеча турк тилида Туркия ойнаи жаҳонида ҳам қўйиб берилди.

Фильм Самарқанд ва Бухоронинг қадимий осори-атиқалари, сўлим масканлар манзараси билан бошланади. Томошабинлар кўз ўнгида айнан ойнаи жаҳон бисотида ардоқлаб сақланаётган видеолавҳалар — жумҳурият Олий Кенгашида Ўзбекистон мустақиллиги эълон қилинган тарихий дақиқалар гавдаланади. Халқимиз неча асрлардан буён орзу қилиб келган ўз озодлигига эришди. Шу буюк истиқлол туфайли тилию дили, маданиятию тарихий илдизи бир бўлган меҳнаткаш ва тинч турк халқи билан яна юз кўришиб турибди. Дунё кажрафторлиги, замона зайли билан узилиб қолган икки халқ ўртасидаги қардошлик алоқалари яна тикланади. Икки буюк халқлар дўстлигининг сарчашмаларида Жалолиддин Румий ҳамда Алишер Навоий каби алломалар туришган. Она юртимиз XV — XVI асрларгача ҳам Туркия билан яқин алоқада бўлиб келган. Шайбонийхон даврида Али қушчи Улуғбек кутубхонасини Туркияга олиб кетган, Истанбул дорилфунунида мударрислик қилган бўлса-да, кейинчалик иқтисодий, илмий, маданий алоқалар узилиб қолди. Фақат таниқли давлат ва сиёсий арбоб Ота Турк давридагина бу алоқа тикланди. Йигирманчи йилларда турк муаллифлари Ўрта Осиёга, жумладан, Ўзбекистонга келиб ёшларни янги усулда ўқита бошладилар. Бироқ янги тузум тарафдорлари уларни қувғин қилдилар. Ўттизинчи йиллардаги бедодликлар минглаб юртдошларимизнинг дунёга тариқдай сочилиб кетишларига сабаб бўлди. Уларнинг кўпчилиги Туркиядан паноҳ топди. Фильмда ишт.рок этган Ҳамид Сулаймон номли қўлёзмалар институти олимаси Фозила Сулаймонова 1989 йилда Туркияга қилган илмий сафари, у ерда қамкасблари билан учрашгани, уларнинг Навоий ижоди бўйича олиб борган тадқиқотлари билан танишганини сўзлаб берди. Бу илмий алоқа ҳамон давом этиб келаётир. Навоийнинг асарлари мажмуаси у ҳаёт вақтида — 1494 — 1496 йилларда кўчирилган тўлиқ куллиёт ҳам Истанбулда турк султонлари кутубхонасида сақланмоқда. Мана шу қўлёзманинг фотонусхасини профессор Ҳамид Сулаймон Тошкентга келтиришга муваффақ бўлган эди. Навоийнинг йигирма жилдли асарларини академик нашрга тайёрлашда ана шу манбадан фойдаланишди. Навоийшунос турк олимлари Олоҳ Сергелеван, Ҳемай Черислан баракали ижод қилмоқдалар. Муштарийлар хабардор: шу йил Тошкентда шарқшунослик олий билимгоҳи очилди. Унда Туркия иқтисодини ўрганадиган махсус бўлим бор. «Институтимизда очилган янги кафедрада Ўрта Осиё тарихига оид илмий-тадқиқот ишлари олиб борилаяпти, — дейди профессор, шарқшунослик билимгоҳи ректори Неъмат Иброҳимов, — бу ишларда бизга туркий тилдаги манбалар яқиндан ёрдам бераяпти. Масалан, Қуръон таржимаси таҳсили, кўп жилдли Туркистон, Ўрта Осиё тарихига оид тадқиқотларимизда Истанбулда чиққан энг мукаммал Қуръони карим таржимаси ва унинг тарихи, Ислом қомуси бизга жуда қўл келмоқда».

Ўзбекистон миллий ташқи иқтисодий фаолият банки бошқарувининг раиси Рустам Азимов шу йил ёзда Тошкентда бўлиб ўтган ишбилармонларнинг халқаро конференциясида Туркиянинг «Зироат» ҳамда «Воқифлар» банкларининг вакиллари билан ўзаро ҳамкорлик ҳақида шартномалар тузилгани, бу алоқалар ўзбек ва турк халқлари учун катта наф келтириши ҳақида сўзлаб берди. «Интернаф» қўшма фирмаси Ўзбекистонда ҳозир тақчил бўлиб турган халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқара бошлади. Видеофильмда томошабинларни ҳайратга соладиган, шуурида бир умрга муҳрланиб қоладиган лавҳалар анчагина. Унда айниқса Нодирабегим номидаги 265-ўрта мактабда турк тили синфининг очилиши ғоят таъсирли чиққан. Тошкент шаҳар халқ таълими бўлими бинолан Истанбул шаҳар маорифчилари ўртасида мустаҳкам алоқа ўрнатилиб, келажакда Туркия билан ҳар томонлама ҳамкорлик қилиш учун ёшларни тайёрлаш мақсадида мазкур махсус синф ташкил этилди. Унинг очилиши маорифлар ва ўқувчилар учун катта байрамга айланиб кетди.

Тошкент давлат дорилфунунининг ўзбек филологияси факультетида туркология кафедраси мавжуд. Бу ерда турк тили ва адабиётини ёшларга ўқитиш соҳасида таҳсинга сазовор ишлар қилинмоқда. Турк филологияси масалаларига бағишланган илмий, назарий китоблар, қўлланма ва дарсликлар яратишга киришилди. Туркиянинг олий ўқув юртлари, хусусан Истанбул дорилфунуни, маданий марказлар билан алоқалар ўрнатилди. Ҳар йили ўнлаб ўзбек йигит-қизларни турк филологияси бўйича мутахассис бўлиб етишмоқдалар.

Яқинда Аброр Ҳидоятов номидаги драма театри турк драматурги И. Гузаканнинг «Шаҳноз» пьесасини саҳналаштирди. Видеофильмда шу спектаклдан парча кўрсатилди.

Икки мамлакат нашриётлари, ёзувчи ва шоирлари ўртасида ҳам ҳамкорлик йўлга қўйилмоқда. Биргаликда китоблар чоп этиш, мутахассислар тайёрлашга аҳд қилинди. Туркия томони Чўлпоннинг «Яна олдим созимни» асарлар тўпламини, Аҳмад Яссавийнинг «Ҳикматлар»ини турк тилига таржима қилиб китобхонларга етказишни ўз зиммасига олди. Тошкентда таниқли турк адиби Юнус Эмронинг «Ҳақдин сўзлар бу тилим» китоби Муҳаммад Солиҳ таржимасида босилиб чиқди.

Ўзбекистон билан Туркия ўртасида соғлиқни сақлаш, ўзаро телевизион кўрсатувлар айирбошлашни йўлга қўйиш ҳақидаги лавҳалар видеофильмнинг мазмунли чиқишига ҳизмат қилган.

Фильмда Ўзбекистонга ташриф буюрган турк мутахассисларига ҳам кенг ўрин берилган. Эрзурум шаҳридаги дорилфунуннинг турк тили ўқитувчиси Ражаб Ширин ўзбек тили бўйича докторлик диссертацияси устида иш олиб бораяпти. «Ўзбекистонга келганимдан жуда мамнунман, — деди у, — Туркия — Ўзбекистон орасидаги муносабатларнинг мустаҳкамланиши учун қўлимдан келганича ҳаракат қиламан. Ҳамкорлигимизнинг янада мустаҳкамланишидан умидворман». Туркиядаги «Юксал — иншоот» фирмасининг президенти Гюван Созаак, шу фирма ҳайъати аъзоси Илтер Угачёк, «Вакнер» банкининг мудири Исней Алверия икки мамлакат ўртасида иқтисодий алоқаларни ривожлантириш, қўшма корхоналар қуриш, турк ва ўзбек бозорларини харидоргир моллар билан тўлдириш ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини, Ўзбекистондан олган таассуротларини, ўзбек халқига дил сўзларини изҳор этдилар.

Қисқа муддат ичида катта масъулият, маҳорат ва меҳр билан суратга олинган видеофильм томошабинларда чуқур таассурот қолдирди. У халқларни халқларга яқинлаштириш, дилларни дилларга улашга ҳизмат қилади. Миллий қадриятларимизни улуғлашга, ўзлигимизни билишга яқиндан ёрдам беради.

Ойнаи жаҳон усталари қардош ўзбек ва турк халқлари ўртасида қарор топган дўстлик ва ҳамкорлик ҳақида ранг-баранг, мазмунли видеофильм яратишни изчилик билан давом эттирадилар, деб умид қиламиз.

Мирза АНВАР.

Фарғона вилоятининг Киров районидаги «Бешариқ» давлат хўжалигида ёш авлод тарбиясига жиддий эътибор берилмоқда. Қишлоқлардаги 22 та намунали ва 6 та уй боғчасида кичкинтойларга барча шарт-шароитлар яратилган.

Яқинда механизацялашган 97-кўчма колонна жамоа хўжалик аъзоларига янги боғча биносини ҳадя этди. 140 болани ўз бағрига олган бу маскан «Солнишко» деб номланди.

СУРАТДА: тарбиячи Санъат Пўлатова тайёрлов гуруҳида машғулот ўтказмоқда.

Т. МАҲКАМОВ олган сурат.

ЁПИРАЙ!

IX—X қурултой оралиғида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси бошқарувининг ижодий-ташкилий фаолияти ҳақида «МАЪЛУМОТ»НОМАнинг

Тузувчиси Тоҳир МАЛИКка

Муҳаррири Чоршаъм РЎЗИЕВга

Бу «МАЪЛУМОТ»номани қурултой кунлари ким кўздан кечириб чиқди, ким чиқмади, ким варақлаб чиқишга улгурди ё улгурмади, бунисиқ бизга қоронғу. Бизнингча, қурултойнинг алғов-далғовли кунлари бунга имконият ҳам бўлмади. Унингсиз ҳам...

Энди гапни айлантириб ўтирмасдан мақсадга ўтиб қўя қолганимиз маъқулдай кўринади. Шунинг учун «Маълумот»номанинг 148-саҳифаси (пастдан иккинчи хатбоши (абзац)ни биргаликда ўқисак:

«Демократия ҳаётимиз нормасига (?), мезонига (Т. С.) айланмоқда. Шунинг учун ошкора ёзиш (пинҳоний ёзиши ҳам бормиди? — Т. С.), бор ҳақиқатни халққа етказиш ижодкор олдидаги муҳим вазифадир. Ҳозирги диди юксак китобхонни МИРТЕМИР ёки ҒАФУР ҒУЛОМ асарлари ҳаяжонлантирмай қўйганлиги сир эмас (Ёпирай! — Т. С.). Шунинг учун ҳар бир ижодкор катта масъулият ҳисси билан ижод этиши шу куннинг муҳим талабидир».

Бу кимдан, қайси нонкўрдан чиққан гап? Бу икки буюк симонинг орқасидан туриб тош отаётган ким ўзи? Хусусан, ҳозирги кунда, ҳар соат, ҳар сонияда давраларимизга, анжуманларимизга файз киритиб келган, ўз мавқеи, ўз мартабаларига эга бўлган, ўзбек адабиётининг бешигини тебратиб келган икки арбоб-оқсоқолимизнинг руҳларини безовта қилишни шаккоклик деб билмаган қандай андишасиз кимса экан? Ё бу икки қурултой оралиғида оламдан ўтган ҳамкасбларимизнинг қурултой бошланиши олдидан ўлмас хотираларини ўрнимиздан туриб бир сония сукут сақлаш удумимизнинг ўзгача бир кўринишими экан?

Биз ҳозиргача ошкоралик ниқоби остида доҳийларимизнинг юзига лой чаплашга улгуриб бўлдик. Даҳоларимизни бирма-бир бадном этиб ҳам бўлдик чоғи. Ҳаммамизни опичлаб, ардоқлаб вояга етказган устозларимизнинг шаън-шавкатларига доғ туширишни жасорат деб билдик.

Шуни ишонч билан, изтироб билан айтиш лозимки, академик Ғафур Ғулом ҳозир ҳаёт бўлганларида, у кишининг шаън-шавкатларига юқоридагидай гапни айтишга анов-манов деган кимсанинг юраги бетлай олмаган бўлар эди. Айтган тақдирда ҳам пистирмадан тош отаётган ҳалиги «жонзот»лар у кишининг бир тепки, бир ҳамла, бир зарб, бир силтовларига дош бера олмай майдонни ташлаб тура қочган бўлар эдилар. Уни ҳеч ким қувиб «тўхтата» олмаган бўларди...

Ҳа, энди катта кўприкдан маст ҳам, наҳс ҳам ўта беради. Кўприк эса кўприклигича тура беради, деб қўя қолган бўлар эдилар.

Луқма

Бу — бирламчи. Иккиламчи, мен шу ўринда Мавлоно Лутфий, Навоий ҳазратларининг «Оразин ёпқоч...» деб бошланадиган икки сатрларига берган баҳоларини эсга олгим келади. Ғафур Ғулом асарларидан ҳаяжонланмайдиган ҳалиги ШОҒИРнинг борлиқ ижоди «Вақт», «Соғиниш», «Шараф қўлёзмаси», «Сен етим эмассан», «Ёдгор», «Шум бола» мисоли шоҳ асарларининг биронтасига лоақал, посанги бўла олса, кошки эди!

Чўпонларнинг бўрибосар (сиртлон) ити бўлади. У қашқир зотининг кушандаси. Қўра, қўтон атрофига қўли эгри, қадами қийшиқ инсмидир, жинсмидир доригидай бўлса қонга белаб, хомталаш қилиб ташлайди. Машак — лайча учун эса ўғри билан тўғрининг фарқи йўқ. Фақат уйга келиб-кетаётган кишининг қораси кўринмай кетгунича орқасидан акиллаб ҳуриб туради.

У шу йўсинда ўз вазифасини бажарган, ўз ҳисоби султонининг ювиндисини сақлаган бўлади.

Энди бояги ДЕМОКРАТИЯ деган сўзга қайтсак. Бизнингча, демократия дегани қўл билан қўлдорнинг, йўқсил билан пулдорнинг, пиёда билан суворийнинг теппа-тенг туриб гаплашиши, мунозара олиб бориши деган гап (бир-бирининг шахсиятига, нафсониятига тил теккизмасдан). Демократия — марҳумлар руҳини чирқиллатиб, орқаворотларидан тош отиш, деган гап эмас. Ножоиз бўлса ҳам айтишга тўғри келади: ёв қочса ботир кўпаяр, ё бўлмасам, юздан пардани сидириб ташлаб шаллақилик, этаксизлик қилиш, қуюшқондан чиқиш деган гап эмас. Ё бу демократия деганлари ҳам қайта қурамиз деб қуламас қўрғонни қайта бузгандай бир гапмидир?

«Ер ислоҳоти», «Саводсизликни тугатиш», «Бойларни синф сифатида...», «Хотин-қизларга озодлик!» сингари не бир шиорларни неча йиллар кўтариб, мачит-мадрасаларга ўт қўйиб, боғларни барбод этиб, тўрт тулликка қирон келтириб, қизни онага, ўғилни отага қарши қўйиб... охири — оқибатда етиб келган кунимизни кўриб турибмиз. Энди навбат оҳори тўкилмаган янги шиорларга: «Ошкоралик», «Бозор иқтисодиёти». Бундай шиорлар, одатда падаркушликдан қайтмайдиган, қалтис пайтларда ўз онасининг оқ сутидан тонадиган кишиларга қўл келгандан қўл келади. Ахир, ОШКОРАЛИК ялови остида ор-номусимиздан қарийб айрилиб қолмадикми? Бозор иқтисодиёти деб ўрин ҳолига келиб қолишимиз ажабданажабмасми? Бузилиб бўлган аравани тузатиб, уни олдинга тортишдан кўра кўпроқ унинг босиб ўтган ўнқир-чўнқир йўлларига кўз тикиб, елка қисиб, термулиб ўтиришимиз ажабданажабмасми?

Маълумингизким, Ўзбекистон халқ шоири, Ҳамза ҳамда Бердаҳ мукофотларининг совриндори Миртемирнинг таваллуд топган кунлари — 80 йиллиги худди шу «Маълумот»нома қурултой делегатларининг қўлларига теккан кунлари Алишер Навоий номидаги Давлат Академик Катта театр биносида зўр шодиёна билан ўтказилди. Ўтказилганда ҳам ўта самимият, таъзим — тавозелар билан, ҲАЯЖОН билан ўтказилди.

«Маълумот»номада эса жонсизлик, ҳаяжонсизлик...

Биз шунга сал тушунмагандай бўлдик. Шуни тушунтириб берсаларингиз!

Тўра СУЛАЙМОН.

Янги йил бўсағасида

ДАСТУРХОН ҚАШШОҚ БЎЛМАЙДИ

Иқтисодий қийинчиликлар юз бериб турган ҳозирги вақтда баъзи бировлар бу гапга ишончсизлик ишонмаслиги мумкин. Лекин пойтахт вилояти турли шаҳарларида янги йил арафасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар бу гап бежиз эмаслигидан далолат беради.

Биргина вилоят савдо бошқармасининг ўзи аҳолининг қишдан қийналмай чиқиб олиши учун жўяли тараддуд кўриб қўйди. Чирчиқ, Бекобод, Янгийўл каби шаҳарларда истеъмол бозоридаги савдо-сотиқ ишлари ҳозирдаёқ бирмунча яхшиланди. Мол айирбошлаш йўли билан ўтган ўн бир ойда 36 миллион сўмлик халқ истеъмоли моллари келтирилди. Шундан 8 миллион сўмга яқини озиқ-овқат маҳсулотларидир.

Аҳолини оила варақаси бўйича сотиладиган 13 турдаги моллар билан 25 декабргача тўла-тўкис таъминлаш чоралари кўриб қўйилди. Уларнинг дастурхони янги йилда тўкин бўлиши кутилмоқда. Гўшт ҳақиқатдан ҳам танқис. Лекин шундай бўлса ҳам комбинатлардан қатъий тақсимот асосида олинадиган, нархи 20-24 сўмдан ошмайдиган гўшт савдога чиқарилади.

— Улуғ Ватан уруши ногиронлари, қаровчисиз ёлғиз қариялар 1-2 килограммдан гўшт билан таъминланадилар, — дейди бошқарма бошлиғи Ғ. Турсунов. Уларга озиқ-овқат маҳсулотлари имкони борича уйларига эltиб берилади. Янги йил арафасида шаҳарлардаги сабзавот дўконларида камида 7-8 хил маҳсулот билан савдо қилинади. Аҳолини қиш фаслида озиқ-овқат ва бошқа сабзавот маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида жамғарма ташкил этилган.

Янги йил байрами кичкинтойлар учун айниқса завқли. Қорбобонинг совғаси уларнинг қувончига-қувонч қўшиши шубҳасиз. Шу мақсадда бошқарма савдо ходимлари вилоят шаҳарларида яшовчи 140 минг болага етадиган совға тайёрлашмоқда. Бунинг учун 35 тонна қандолат, 10 тонна ёнғоқ, 25 тонна олма ҳозирлаб қўйилди. 10 тоннага яқин цитрус мевалари келтирилиши кутилмоқда.

Россия ўрмонларидан Ўзбекистонга келтирилаётган яшил арчаларнинг 20 мингтаси вилоят шаҳарларида сотилади. Дастлабки 8 минг дона арча Чирчиқ, Бекобод, Янгийўл шаҳарларига юборилади.

Бўсағада янги йил. Ўзбек мақолида айтилганидек, нозне'матлар — дастурхон файзи. Аммо афсуски, одамларда тобора камёб бўлиб бораётган меҳр-оқибат, мурувват, ширин сўз ва меҳрибонлик уларнинг қалбидан кўпроқ ўрин олса, у янада файзли бўлади.

П. НИШОНОВ, ЎзТАГ мухбири.

АМЕРИКАЛИК ОЛИМЛАР ДАРС БЕРИШДИ

Жоржия штати дорилфунунининг профессорлари Линда Холл ва Перри Холл республика деҳқончилик-саноат мажмуини бошқариш олий мактабида бизнес асосларидан лекция ўқишди. Америка мутахассислари иштирокидаги машғулотлар тингловчиларда катта қизиқиш уйғотди. Улар орасида бу ерда ўқиётган хўжалик раҳбарлари, деҳқончилик-саноат банкларининг ходимлари бор эди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони тасдиқланиб, ташқи ва ички бозорда савдо-сотиқ имкониятлари кенгайганлиги туфайли шундай қизиқиш пайдо бўлди. Худди шу фармонда режадаги маҳсулотнинг беш фоизини ва режадан ташқари чиқарилган маҳсулотнинг ҳаммасини сотиш қонунийлаштирилган. Уни қандай қилиб фойдасига сотиш мумкин? Бунинг учун бозор қонунларини билиш керак. Америка олимлари деҳқончилик бизнесини ташкил этишдаги жаҳон тажрибасига, унинг ривожланиш шароитларига, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини бозор муносабатларига ўтказишда менежерларнинг вазифасига катта эътибор бердилар.

Ўзбекистонлик менежерлар АҚШга иш ўрганиш учун борган чоғида бу машғулотларни ўтказиш тўғрисида келишилганди. Америкалик профессорлар йил охиригача республика деҳқончилик-саноат мажмуи олий мактабининг вилоят бўлимларида таълим олаётганларга ҳам лекциялар ўқишади.

(ЎзТАГ).

Инсон ва қонун

ОДАМ— БЎРИ ЭМАС...

КИШИНИ ўлдириш учун меҳмонга чақирмайдилар. Ё одам ўз кушандасини излаб бировнинг дарвозасини чертмайди. Аммо қисмат шундайки, гоҳида арзимас хаттиҳаракат кишини жар ёқасига келтириб қўяди.

Қодир Ҳожиаҳмедов ўғли Ҳожиакбарнинг йўқолиб қолгани ҳақида район прокуратурасига ариза берганда, ҳеч нарса маълум эмас эди. Иш терговчи Саидакбар Рўзиевга топширилди. Негаки, бир йигитнинг дабдурустдан йўқолиб қолиши — жиддий ҳодиса бўлиб, жиноятнинг очилиши терговчининг вазияту ҳолатни олдиндан кўра олишига боғлиқ эди. Аслида, устамон терговчи калаванинг учини тўғри топади, қўнглида туғилган минглаб шубҳагумонлар ичидан энг тўғрисини танлай олади.

Изқуварлар бу сафар ҳам адашмади.

...У 20 июль куни кечқурун Мардлик кўчасидаги 32-уйга — Гилязов хонадонига кириб келди. Мезбоннинг чеҳрасини кўриб яйраб кетди — бир ўтириб гурунглашамиз чоғи, деб ўйлади. Уйда Йўлдош Одилов, Саид Эшонхўжаев, Ҳамро Ғуломовлар ичиб ўтирган экан, даврага қўшилди. Қолгани эса маълум...

Бирпасда арзимаган баҳона билан жанжал чиқди — Ҳожиакбар билан Саид айтишиб қолди. Шу пайт бир неча марта «ўтириб» чиққан Йўлдошнинг қони қайнаб кетди — Саиднинг тарафини олди. Табиийки, бу Ҳожиакбарга ҳам малол келди, рақибини сўкди. Агар Одиловнинг қўлига темир қувур бўлаги тушиб қолмаганда, жанжал нари борса қўшнилар аралашуви билан тугаши мумкин эди. Афсуски, ғазабдан инсоний қиёфасини йўқотган Одилов ҳеч иккиланмай темир билан Ҳожиакбарнинг бошига ураги ва рақибини «тинчиди» деган хаёлда, ташқарида бирров айланиб келгач, уйдаги қон изларини артиб ташлайди, ошнаси Миркаримовни ислаб кетади. Сўнг изни бутунлай йўқотиш ниятида чалажон йигитни Миркаримовнинг автомашинасида Қора-қамишдаги анҳорга олиб бораги ва сувга ташлаб юборади. Қотил, ҳамма иш жойида, энди ҳеч ким ҳеч нарсани тополмайди, деб ўйлаган, иш ортидан тажрибали изқувар тушганидан бехабар эди.

...Мурда сувдан топилди.

...Терговчи текширишда Гилязовнинг уйида қон излари борлигини аниқлади.

...Ўша тунда қизил «Жигули» ҳайдовчиси Мардлик кўчасида гувоҳ О. Алимуҳамедовдан сигарет сўраган.

...Унинг ўлими нафас йўлари суюқлик билан ёпилгани боис юз берган. «Булар жиноий иш қоғозларидаги мингдан бир қайдлар.

Чамаси, гувоҳлар «ўтириб» чиққан одамнинг «дағдаға»сидан қўрқанлар. Бўлмаса Миркаримов ярадорни анҳорга эмас, касалхонага олиб бориши мумкин эди-ю. Ахир у ҳам ота, марҳумнинг чирқираб қолаётган ёру дўсти, фарзандлари борлигини ўйлаши зарур эди. Ё улфатчар темир ушлаган шахсни кўрмаган дейсизми?.. — бу ўтган йил хотиралари. Ҳукм аллақачон ўқилган — қотил 10 йил, унинг шериклари Тоҳир Миркаримов 3 йил, Саид Эшонхўжаев 2 йил қаттиқ тартибли, Ҳамро Ғуломов 2 йил умум-тартибли қамоқ жазосини олган.

Ҳа, турли даражадаги жиноятлар содир этилмоқда. Кимнингдир отаси, жигари қора курсига ўтираяпти, ҳукмлар ўқилмоқда. (Жиноятни очмаслик эса жабрдийдаларни чирқиратиш билан баравар). Умуман, нега кейинги йилларда ҳайратомуз услубда содир этилган жиноятлар сони кўпайиб кетаяпти? Одамлар бир-бирига бўри эмас-ку ахир!

Бугун шу ва шунга ўхшаш саволлар кимни ташвишга солмайди, дейсиз? Осон жойда нон йўқ, дейдилар. Аммо... бу соҳанинг нони баъзида умр баҳосига тенг. Илоннинг ёғини ялаган кимсаларга қарши бориш осон эмас. Гап қайсидир жиноятнинг изидан қувиш, уни жазога мустаҳиқ этиш ҳақида эмас, балки ҳар қандай ноқонуний, ноинсоний ҳаракатлар изсиз кетмаслиги тўғрисида бормоқда. Фақат атайми ё бехос содир этилган қилмишларнинг гувоҳлари юрак ҳовучлашмаса, бу терговчининг иши, дея ўзларини четга олишмаса бас.

Мирзайўлдош ҲАМДАМОВ,
Акмал Икромов район прокурори, адлия кичик маслаҳатчиси,
Абдунаби ЭРГАШ ўғли, «Халқ сўзи» мухбири.

БИР РАЙОН ЯНГИЛИКЛАРИ

БОЛИ БОБОДАН ЭЛ ХУРСАНД

⊙ ЧЕЛАК районидаги Карл Маркс номли жамоа хўжалигида яшовчилар хўжалик тарқатган буғдойни ун қилиш учун қўшни хўжаликларга сарсон бўлиб бориб юрмайдилар. Раҳбариятнинг саъй-ҳаракатлари билан машина-трактор паркидаги тегирмон мунтазам ишлай бошлади. Меҳнат фахрийси, уста тегирмончи Боли бобо Бегимов мижозлари олқишига сазовор бўлмоқда.

ФАХРИЙ НОМИДА

⊙ РАЙОНДАГИ узумчилик ва боғдорчиликка ихтисослашган «Қорақалпоғистон» давлат хўжалигида ҳашар йўли билан қурилган янги мактаб биноси ўқувчиларни ўз бағрига олди. Давлат хўжалиги марказий қўрғонида жойлашган бу саккиз йиллик мактабга уруш ва меҳнат фахрийси, хўжаликни ташкил қилиш ва оёққа турғизишда кўп меҳнати сингган Мамаражаб Расулов номи берилди.

Эшқул ЖОНДОРОВ, Самарқанд вилояти.

ҚАЙТА ТИКЛАНДИ

Ўзбекистон «Бирлик» халқ ҳаракатининг Жиззах вилоят бўлими айрим сабабларга кўра тарқалиб кетган эди. Яқинда унинг ташаббускор гуруҳи тузилиб, ташкилий йиғилиш бўлиб ўтди. Муваққат раис этиб Жиззах «Агрокурилиш» бирлашмаси раисининг ўринбосари Холмирза Носиров сайланди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Жиззах вилоят бўлимининг адабий маслаҳатчиси Хўжабек Турсунов котиб бўлди. Шунингдек, 9 кишидан иборат ҳайъат сайланиб, унга яқин орада ҳаракат вилоят бўлимининг қурултойига тайёргарлик кўриш ва чақириш топширилди.

А. МАМАРАСУЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

●

«ОЗОД БУХОРО» ОВОЗИ

РЎЗНОМАМИЗДА аввал Бухорода «Эрк» демократик партиясининг вилоят ташкилоти таъсис этилгани ҳамда унинг «Озод Бухоро» рўзномаси нашр қилиниши ҳақидаги хабар чоп этилганди.

Яқинда «Озод Бухоро»нинг илк сони муштарийлар қўлига тегди. Унда «Эрк» демократик партиясининг шу кунлардаги ижтимоий-сиёсий фаолияти ҳақида ранг-баранг мақолалар чоп этилган. Бу сайлов арафасида бухоролик «Эрк»чиларнинг катта ютуғи бўлди.

М. МАРДИЕВ.

ЭШИТМАДИМ ДЕМАНГЛАР!

«САРВАТ» КИЧИК КОРХОНАСИ

Бизнес оламида Сизга йўл бошловчи (гид) бўлишга тайёр. Олий даражада хизмат кўрсатиш, яшаш ва овқатланиш учун яхши шароит яратиш, ранг-баранг маданий дастурни таъминлашга

КАФОЛАТ БЕРИЛАДИ

«Сарват» қуйидаги йўналишлар бўйича бошқарув ходимларини тайёрлайди:

1. Замонавий сиёсий ва иқтисодий менежмент ва маркетинг.

2. Ишбилармонлик фаолияти асослари.

3. Мол-мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш.

Машғулотлар Сизнинг истагингизга биноан кундузги ва кечки бўлимларда ўзбек ҳамда рус тилларида ташкил этилиши мумкин.

Кундузги бўлимда таълим бериш баҳоси — 950 сўм. Ўқитиш муддати — бир ҳафта.

Кечки бўлимда таълим бериш баҳоси — 800 сўм. Муддати — икки ҳафта.

Ҳақ олдиндан «Сарват» кичик корхонасининг ҳисоб-китоб счётига ўтказилади: Тошкент шаҳар саноат-қурилиш банкининг Куйбишев район бўлими, тартиб рақами: 000609280, код: 172682313.

Буюртмаларни корхона номи, тингловчи фамилияси, тўлов топшириқномаси ва ҳисоб-китоб счёти номерлари кўрсатилган ҳолда телеграф орқали машғулотлар бошланишидан камида уч кун аввал қуйидаги манзилгоҳга юборишингизни сўраймиз: **700137, Тошкент, Луначарский кўчаси, 54-уй, 2-корпус, 14-хона.**

Алоқа учун телефонлар: **67-07-05, 67-16-30, 67-16-38, 67-93-01.**

СИЁСАТШУНОСЛИК ВА БОШҚАРУВ ИНСТИТУТИНИНГ «САРВАТ» КИЧИК КОРХОНАСИ

Давлат корхоналари, кичик бизнес корхоналарининг раҳбарлари, иқтисодий, молиявий ва ҳуқуқий хизматлари мутахассислари учун.

«ДАВЛАТ КОРХОНАЛАРИ МОЛ-МУЛКИНИ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ» мавзуида **СЕМИНАР**

1. Хусусийлаштириш жараёнини ҳуқуқий жиҳатдан изга солиб туриш.

2. Давлат мол-мулкини ижарага ёки сотиб олиш. Хусусийлаштирилган корхоналар негизида акционерлик жамиятларини ташкил этиш.

3. Хусусийлаштирилган корхоналарнинг молиявий-хўжалик фаолияти. Банк ва акционерлик жамиятларининг қимматбаҳо қоғозлари.

4. Давлат мулкини баҳолаш амалиёти.

5. Ташқи иқтисодий фаолият ва корхоналарни ташкил этишнинг истиқболли шакллари.

6. Семинар қатнашчиларининг давра суҳбати.

Таълим бериш баҳоси икки ўринли хонада яшаш ва кўрсатиладиган маданий хизматни ҳам қўшиб ҳисоблаганда — 800 сўм.

Ҳақ олдиндан «Сарват» кичик корхонасининг ҳисоб-китоб счётига ўтказилади: Тошкент шаҳар саноат-қурилиш банкининг Куйбишев район бўлими, тартиб рақами: 00609280, код: 172682313.

Буюртмаларни корхона номи, тингловчининг фамилияси, тўлов топшириқномаси ва ҳисоб-китоб счёти номерлари кўрсатилган ҳолда телеграф орқали машғулотлар бошланишидан камида уч кун аввал қуйидаги манзилгоҳга юборишингизни сўраймиз: **700137, Тошкент, Луначарский кўчаси, 54-уй, 2-корпус, 14-хона.**

Алоқа учун телефонлар: **67-07-05, 67-16-30, 67-16-38, 67-93-02.**

Навбатдаги гуруҳ тингловчилар тўпланишига қараб тузилади.

ДАЛЬБИРЖА

Қуйидаги маҳсулотларни савдога қўяди:
— озиқ-овқат;
— чорвачилик ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари;
— мебель;
— хўжалик моллари;
— газмол;
— кийим-кечак;
— пойафзал;
— маиший кимё;
— кўмир ва қувват ўтказувчилар;
— станоклар, ускуналар, заводлар;
— электр техникаси, маиший техника;
— компьютерлар, модель ва қўлайтириш техникаси;
— телефонлар, факс, аудиовидеотехника;
— ёғоч, дарахтни қайта ишлаш маҳсулотлари, тахта;
— металл;
— тиббиёт ускуналари;
— қурилиш ашёлари: цемент, шағал, темир-бетон, ғишт;
— бўёқлар, лак, гулқоғозлар;
— транспорт, автомобиллар, қишлоқ хўжалиги техникаси.

Агар Сиз «Дальбиржа»дан брокерлик ўрнини ижарага олишга улгурмаган бўлсангиз, ранжиманг. Мутахассис брокерлар — Сизнинг хизматингизда! Харид қилиш, сотиш ёки айирбошлаш зарурати бўлса, «Дальбиржа»нинг брокерлари Сиз учун барча ишларни бажаришади.

«Дальбиржа» Урал, Сибирь ва Узоқ Шарқнинг барча биржалари ҳамда мамлакатнинг Овруполо қисмидаги кўплаб биржалар билан алоқа ўрнатган.

Савдо ҳар пайшанба ва жума кунлари ўтказилади.

Манзилимиз: **690001, Владивосток, Ленин кўчаси, 115.** («Дальзавод», ЦНТИ бекати).

Телефонлар: **26-43-64, 26-58-81, 26-57-54.**

БОШ МУҲАРРИР Аҳмаджон МУХТОРОВ

МУАССИС: *Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши*

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: *700000, ГСП Тошкент шаҳри, Ленинград кўчаси, 19-уй*

Телефонлар: 32-09-87, 33-07-48. Индекс: 64608.

Буюртма № 6507. 118800 нусхада чоп этилади.

Халқ сўзи

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. Тошкент шаҳри 700083, Ленинград кўчаси, 32-уй.

Босишга топшириш вақти 21.00. Босишга топширилди: 23.00. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12